Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

31 сон 4 —10 август, 2005 йил

УМИД ВА ИШОНЧ ЁР БЎЛСИН!



Тошкент шаҳрининг айни марказида жойлашган «Умид ва ишонч» шифохонасида беморларни даволаш учун қулай шароит яратилган.

Тиббий марказ директори, тажрибали уролог Баҳодир Раҳматуллаев шундай дейди:

- Тўрт йилдан буён фаолият юритаётган тиббий марказимиз ҳозирги пайтда асосан эркаклар ва аёллар бепуштлигини даволашга ихтисослашган. Малакали шифокорларимиз бепуштликни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашдан тортиб, даволашнинг консерватив ва жарроҳлик усулларини ҳам муваффақиятли қўллайдилар. Бу ерда операциядан кейин беморлар соғайгунча ётадиган палаталаримиз ҳам мавжуд. "Камолон" маҳалласи раиси билан шартнома тузганмиз. Шартномага кўра, шу маҳаллада яшайдиган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва ёлғиз кишиларнинг оила аъзолари касал бўлиб қолишса, уларга бепул хизмат кўрсатамиз. Бундан ташқари турли вилоятлардан бизга жуда кўп мактублар келиб турибди. Улар ўз касалликлари ҳақида ёзишса, биз албатта, тегишли мутахассислар томонидан маслаҳатлар ёзилган жавобларимизни ҳам жўнатамиз,-дейди марказ директори Баҳодир Раҳматуллаев.

Шунингдек, косметолог шифокорлар чеҳра ва танадаги камчиликларни пластик операция қилиб кўркамлаштирадилар.

Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор (педиатр) Шарофиддин Насриддинов катталар ва болаларда учрайдиган касалликни аниқлаб ташҳис қўяди. Шамоллаш, ўткир ошқозон ичак касалликлари, ошқозон яллиғланиши, тиф, гижжа, паратиф касалликларидан кўпчилик азият чекади. Ана шу пайтда Шарофиддин аканинг маслаҳатлари асқотади.

- Тиббий марказимизда аёллар жинсий аъзоларининг шамоллаши, климакс даврида аёлларда бўладиган нохуш ҳолатлар, қиз болаларда учрайдиган касалликлар ҳам даволанади,-дейди гинеколог шифокор Эльмира Пак.

Томоғингиз оғриб гапира олмай қолсангиз, қулоғингиз яқинларингизнинг ширин сўзларини эшитмаса ва бурнингиздан турли ҳидлар келса... Ваҳимага тушмасдан тўғри шу ерга келишдан тортинманг. Шу соҳа бўйича шифокор Нигора Исломбекова бирпасда бу муаммони ҳал қилади. Тиш шифокори Фаридахон Мирзаулуғованинг иши тишлар ва милкларни даволаб, беморлар чеҳрасига хушрўйликни қайтаришдир.

Кардиолог шифокор Елена Комарованинг қабулига эса танамиздаги энг нозик ва меҳнаткаш аъзо бўлган юрак хасталиклари билан оғриган беморлар келишади.

"Умид ва ишонч" марказида қон босимининг ошиши, юрак ишемик хасталиклари, инфаркт, бод, бронхит, ошқозон яраси ва камқонлик каби касалликлар самарали даволанмоқда.

Шунингдек, энг замонавий компьютер усулида юрак хасталиклари текширилади. (ЭКГ) Юрак томир касалликлари аниқланиб, ташҳис қўйилгач, дарҳол даволаш бошланади. Бундан ташқари барча касалликлар замонавий, ҳамда нина санчиш усули билан даволанади.

Иссиқ жонмиз-да, кутилмаганда касал бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Оилангиз тинчи, фарзандларингиз бахтини кўриш учун ўзингизни авайлаб, асрашни ҳам ўрганинг. «Умид ва ишонч» марказининг тажрибали шифокорлари эса сизни даволаш учун ўз хизматларини аямайдилар.

ЭСЛАТМА: "Оила ва жамият" газетасига обуна бўлган мухлислар учун "Умид ва ишонч" тиббий марказида тўловларга 25 фоиз чегирма қилинади.

БАСИРА

ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Учқудуқ тумани хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, турли идораларида, маҳаллаларда президентимизнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди" китоби қизғин муҳокама этилмоқда. Андижондаги мудҳиш, фожеали воқеалар сабабчилари қораланмоқда, халқимизнинг тинчлик, фаровонлик борасидаги қатъий истак-ниятлари баён этилмоқда. Бизни ўз танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ва ҳеч қандай ёвуз кучлар қайтара олмайдилар. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаган, бўлмайди ҳам! Учқудуқликларнинг мақсад-маслаги шундай.

Тўғри, республикамиз барча ҳамдўстлик мамлакатлари сингари ўтиш даврининг қийинчиликларини бошдан кечирмоқда. Ҳукуматимиз шу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида изланмоқда, юртимизга чет эл инвестицияларини олиб кириш йўлида катта интилишлар бўлаяпти. Ички имкониятларимизни ишга солиб, ишчи ўринлари яратилмоқда. Мустақил бўлганимизга атиги 14 йил бўлди. Тарих учун бир лаҳзадек қисқа бу давр ичида дон, нефть маҳсулотлари мустақиллигига эришдик. Қисқа вақт ичида барпо этилаётган катта қурилишларни айтмайсизми? Агар 1991 йилгача Республикамизда 2 та тўқимачилик комбинатига эга бўлган бўлсак, бугунги кунда уларнинг сони 18 тага етди. Учқудуқ шаҳрида 1995 йилда 3-Тоғ металлургия заводи ишга тушди. 1996 йилда Андижон вилояти Асака шаҳрида автомобил ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон - Жанубий Корея қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

2003 йил Навоий-Учқудуқ-Мискин темир йўлининг очилиши, 2004 йилда Ўрта Осиёда энг узун 800 метрлик темир йўл кўприги Амударё устидан ўтиб қорақалпоқ эли билан Хоразм воҳасини бирлаштирди. Бойсун-Қумқўрғон-Тошгузар темир йўллари, Тошкент-Самарқанд ва Тошкент-Бухоро тезюрар ҳамма қулайликларга эга бўлган поезд қатновини йўлга қўйилиши халқимиз мушкулини енгиллаштирди.

Мустақиллик шарофати билан ҳамма ер ости ва ер усти бойликларининг барчасига ўзимиз эгамиз.

Собиқ Иттифоқ давридаги бир аччиқ ҳақиқат ҳалигача менга тинчлик бермайди. Ўша даврларда Республикамиз бўйича 4 млн. тонна атрофида пахта етиштирилар эди. Шундан атиги 5% ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилар эди. Қолгани собиқ Марказкомнинг буйруғи билан Россия ва бошқа чет эл давлатларига жўнатиларди. Бундан ташқари ҳисобсиз олтин, уран, қоракўл тери, жун, газ қаёққа жўнатилаётганини билмас эдик. Бизнинг Ўзбекистон ҳом ашё базасига айланган эди.

Юқоридаги мисолни келтиришимиздан мақсад шуки, юртимиз бойлиги ва тинчлигини кўролмасдан Андижон фожеасини келтириб чиқарган қузғунлар кимгадир қўшни, кимгадир ошна, таниш, уларнинг нобакор ишларидан, ҳатти-ҳаракатларидан хабарсиз қолишимиз мумкин эмас. Бугунги лоқайдлигимиз, андишалилигимиз эртанги кундаги осойишталигимизни таҳликага қўйиш билан ўлчанади. Барчамиз учун азиз бўлган юрт тинчлигига, хавфсизлигига, барқарорлигига раҳна солаётган қузғунларнинг ҳатти-ҳаракатига чидаб бўлмайди. Бугун ҳар қандай андишани четга суриб қўйиб, ҳақ гапни айтишимиз, фуқароларимиз онги шуурини замон маънавияти ва маърифати билан бойитишимиз лозим.

Тилав БОБОЕВ,
Учқудуқ туман Оқсоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси.

ЁЗ - ЎТМОҚДА СОЗ

Республика Хотин-қизлар Қўмитаси Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Самарқанд вилоятининг айрим кам таъминланган оилалар фарзандлари ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларида бепул дам олишларини ташкил этди. Республика Ички Ишлар Вазирлиги тасарруфидаги "Оқтош" болалар ёзги дам олиш оромгоҳига уч мавсумга 50 нафардан болажонларга бепул йўлланмалар беради. Шунингдек, Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш заводига қарашли "Гулистон" ёзги дам олиш оромгоҳига 10 нафардан, Тошкент трактор заводига қарашли "Билдирсой" оромгоҳига тўрт мавсумда 15 нафардан болаларнинг ҳордиқ олиши йўлга қўйилди. Бу ерда улар қизиқарли учрашувлар, спорт мусобақалари, маънавий ва маърифий тадбирларни томоша қилиб, янги ўқув йилига янги руҳ ва қувват олиб борадилар.

Стол тенниси ва синхрон сузиш билан шуғулланувчи ёш спортчиларни эса Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли "Олимпик" ёзги истироҳат оромгоҳида дам олишлари ташкил этилди.

Республика Хотин-қизлар Қўмитаси яна бир хайрли ишни амалга оширди. Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси тасарруфидаги Оила тиббий маркази қошида очилган "Қуёшча" соғломлаштириш тиббий маркази кам таъминланган оилалар фарзандлари ва қандли диабет касаллиги билан касалланган болажонларга мўлжалланган. Ушбу марказда болажонлар олти мавсумда 12 кундан мириқиб ўйнаб, саломатликларини тиклайдилар. Улар учун малакали шифокорлар туну-кун хизматди. Ўн икки кунлик дам олиш мобайнида руҳан синиққан болажонларни ҳаётга қайтаришга қисман бўлса-да эришилди.

Шу каби хайрли ишларга лаббай деб жавоб бериб, беминнат хизматларини қўшаётган Республика Ички Ишлар Вазирлиги, Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш заводи, Тошкент Трактор заводи ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасига Республика Хотин-қизлар Қўмитаси ўз миннатдорчилигини билдиради. Зотан, фарзандларимизга бўлган эътибор келажакка бўлган эътибор, буюк келажак яратиш эса барчамизнинг бош мақсадимиздир.

Феруза ОРИПОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси мутахассиси.

Болажонларни ёзги таътил кунларида мароқли дам олишларини ташкил этиш билан бирга уларни спорт машғулотларида иштирокларини таъминлаш учун республикамиздаги оромгоҳларда турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбир Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Ниҳол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам бўлиб ўтди. "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" ва бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган "Мустаҳкам оила қудратли Ватан" шиори остидаги фестивалда мезбонлар билан бирга тумандаги олимпиадада иштирок этган ёш жамоалар ҳам қатнашди. Болажонларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, улар орасида дўстлик, бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирнинг мазкур учинчи босқичида, қатнашчилар сувда бажариладиган турли мусобақалар бўйича ўзаро беллашишди. Якуний натижаларга кўра "Ниҳол" жамоаси тўққизта очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Фестивал якунида барча қатнашчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

"АЁЛНИНГ ҲАЁТИ ФАРОВОН БЎЛСА..."

Уйчи тумани «Мусаввир» кулолчилик устахонаси қизлари иш устида.

Наманган вилояти хотин-қизлари олиб бораётган ишлари, турмуш тарзи, руҳияти билан танишишмоқчи эдим.

Ўша куни туман хотин-қизлар сардорлари янги режалари ҳақида фикрлашиш учун вилоят ҳокимиятига тўпланишган экан. Уларни суҳбатга тортдим.

София Ҳакимова — вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

- Хотин-қизларимиз азалдан момомерос чеварчилик, каштачилик, дўппидўзликни ҳадисини олишган. «Ола дўппи», «Чуст» дўппилари билан донг таратишгани бежиз эмас. Бугун ҳар бир аёл қўлидан келадиган ҳунарини ривожлантириб, ёнидаги дугона, танишини ишга жалб қилмоқда. «Вилоятда хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастури» қабул қилинди. Бунга асосан 74861 нафар аёл иш билан банд этилиши кутилмоқда. Наманган ва Чуст туманларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, Наманган шаҳри ва Наманган туманида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Чуст, Косонсой, Тўрақўрғон туманларида миллий каштачиликни, Поп туманида паррандачиликни ривожлантириш ҳисобига хотин-қизларга иш ўринлари яратилди. Бу ҳали хамир учидан патир. Мақтанадиган ютуқларимиз кўп.

- Битта "Иттифоқ" маҳалласида ўнлаб шундай тадбиркорлар иш юритишаяпти,- дейди **Уйчи тумани ҳоким муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Обидахон Исмоилова.** - Улардан Роҳила опа Халилова "Уста-шогирд" йўналишида ўқув маркази очиб, оз муддатда қизларни ҳам чевар, ҳам пазанда, ҳам гулчи, ҳам зардўз қилиб тайёрлаяпти. Қилгани менга, ўргангани ўзига фойда, дейди опа. Ҳатто келин қидирганлар ҳам Роҳила опанинг қизларидан танлашга ҳаракат қилишади. Шамсиддинова Фаридахон эса уйидан "Мусаввир" номли кулолчилик устахонаси ташкил қилиб, 30 га яқин қиз-йигитга кулолчилик сирларини ўргатаяпти. Улар чиқарган чойнак, пиёла, лаганлар, косалар бугун бутун Ўзбекистонга машҳур. Шу билан бирга "Акром ота" фермер хўжалиги бошлиғи Рустамжон Расулов уйда ўтирган 50 дан ортиқ хотин-қизларга 100 тадан текинга товуқ бериб, паррандачилик фермаси очишларига имконият яратди. "Намипекстекстил" масъулияти чекланган жамият раҳбари Муҳиддинхон Убайдуллаев эса юзлаб аёлларимизни иш билан таъминлагани кўнглимизни кўтаради-да, сингил. Рислиғой Шамсиддинова "Мадина" тикувчилик кичик корхонасида ҳам 10 дан ортиқ хотин-қизлар ишлашади. Улар тиккан замонавий, европача фасондаги пардаларнинг таърифи барча наманганликлар тилида.

- Бизнинг туманимизда эса 88100 нафар хотин-қизлар яшайди, - ҳикоя қилади **Наманган тумани ҳоким муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Тугмахон Сиддиқова**. - Албатта уларнинг ҳаммасининг руҳий дунёси, яшаш тарзи, қизиқишлари турлича. Аёлларимизнинг кўнглини - камчилигу ютуғини ўрганиш учун махсус гуруҳлар ташкил қилганмиз. Унда ҳуқуқшунос, руҳшунос, шифокор, отиной

ийлар, маслаҳатчи, ибратли келин ва қайноналар бор. Уларнинг аёллар билан суҳбатлари жуда қизғин ўтади. Шу суҳбатлар асносида гоҳо фаол аёллар кўриниб қолади. Ибратли аёл дугоналарига етакчилик қилиш қобилиятига эга бўлади. Биз эса уларга шароит яратиб, янги тадбир, ташаббусларига пешвоз чиқаяпмиз. Бугун шундай 120 нафар маслаҳатчимиз бор. Уларнинг ташаббуси билан "Соғлом оила", "Ибратли оила", "Ибратли келин", "Бола азиз - одоби ундан азиз" сингари танловлар, кечалар ўтказилаяпти. Айниқса, маҳаллаларга, қишлоқларга бориб, хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказишни қатъий йўлга қўйганмиз. Камқон ва ҳомиладор аёлларга, кам таъминланган оила аъзоларини даволатиш учун ҳомийларимиз ёрдамига таянамиз.

Аёлларни иш билан банд қилиш учун ҳам ҳаракат қилаяпмиз. Бир йил ичида 4 мингдан ортиқ аёл иш билан таъминланди. Бу ҳам ўз ўрнида аёлнинг руҳий мувозанатини, иқтисодий имкониятини меъёрлаштиради. Аёлга энг кераги ҳам шу-да!

- Бизнинг туманда эса 62 маҳаллага танлов асосида маслаҳатчи тайинланди, - дея мароқ билан сўзлайди **Учқўрғон тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзурахон Азизова.** - Улар ишни хотин-қизларнинг руҳиятини ўрганишдан бошлашди. Ибратли ва оғир ахлоқли оилаларнинг камчилигию, ютуғи сабабини таҳлил қилишди. Оғир хулқли оила фарзандларини тез-тез ибратли оилалар даврасига қўшиб, ножўя ҳаракатларига босиқлик билан танбеҳ берилиб, яхшиликка ўргатилса, самара бериши кузатилди. Қизларимиз ана шу мақсадда ишга киришиб кетишди... Ёлғонмас, бугунги кунда хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик 11тага камайди.

Гоҳо фаол аёлларимизни, маслаҳатчиларни чорлаб, бир пиёла чой устида қизларимизнинг кийиниши, тўйларимиздаги сарф-харажатлар хусусида суҳбатлашиб оламиз. Суҳбат давомида оғриқ нуқталаримиз ҳам намоён бўлиб қолади. Уни "даволаш" учун 2 нафар тадбиркор аёлнинг паррандачилик бўйича имтиёзли кредит олиб, иш юритишига ёрдамлашдик. Оқибатда 373 нафар аёл иш билан таъминланди. Маҳаллаларда ҳам ҳунармандчилик ишларини ривожлантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки келину, қизлар узоққа қатнаб ишлагандан кўра, икки қадам берида ишлашса, уйдагилари ҳам хотиржам бўлишади...

* * *

Суҳбат қизигандан қизиди. Ҳамманинг кўнглида бир гап: "Аёлнинг усти бут, кўнгли бут, ҳаёти фаровон бўлса..." Иштиёқ бор жойда омад ва барокот йўлдош бўлишига ишонамиз.

Ҳа, ҳар кимнинг қўли ўзига хизмат қилса, миннати ҳам йўқ - мурод ҳам ҳосил!

С. ФАХРИДДИНОВА.

АЁЛ СУД ҲИМОЯСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Муҳаббат Тошева Навоий Давлат Кончилик институтида кутубхоначи бўлиб ишлаган.

Институтнинг 29.09.2004 йилги 03/175-шт буйруғига асосан Тошева 27.09.2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 99-моддасига асосан ишдан бўшатилган.

Суд томонидан иш кўришда Институт томонидан Тошева билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ЎзР Мкнинг 99-моддаси талаблари бузилганлиги, яъни унга икки ҳафталик огоҳлантириш берилмаганлиги аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 06.04.2005 йилги ҳал қилув қарори билан Тошеванинг даъво талаблари қаноатлантирилган ва у ўз ишига қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун 295.770 сўм иш ҳақлари, 47705 сўм маънавий зарар ундирилган.

Замира Самадова судга даъво ариза билан мурожаат этиб, ўзи бола боқиш таътилида эканлигини, Навоий вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси томонидан ўзига 161.398 сўм иш ҳақлари ҳамда 94.836 сўмлик "пособия" пуллари кўп марта мурожаат қилса-да, тўланмаётганлигини, бу

Ҳуқуқий дарсхона

билан ўзига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилаётганлигини билдириб, қайд этилган суммаларни ҳамда 50.000 сўм маънавий зарар ундиришни сўраган.

Ушбу даъво талаблари фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 25 февраль 2005 йилги ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилган. Бунда иш ҳақи ва пособия пуллари тўлиқ, маънавий зарар 20.000 сўм миқдорида ундирилиши белгиланган.

Сабоҳат Сатторованинг 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Унинг турмуш ўртоғи Суюн Облаев Қизилтепа пахта тозалаш Ажда иш жараёнида пахта ғарамига ўт кетиш оқибатида танаси 100% куйган ва вафот этган. С.Сатторова ўз ҳуқуқини тиклаш учун судда Қизилтепа пахта тозалаш Ажга нисбатан боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво қўзғатган.

Суд мажлиси жараёнида аниқландики, пахта заводи томонидан ЎзР Меҳнат Кодексининг 193-моддаси 1-қисми талаби бузилиб, марҳумнинг оила аъзоларига зарар 353.218 сўм кам миқдорида тўланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 25.01.2005 йилги ҳал қилув қарори билан Сатторованинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, унга жавобгар Қизилтепа пахта тозалаш заводидан 353.218 сўм зарар, етказилган маънавий азоб-уқубат учун 1.500.000 сўм маънавий зарар ундирилиши, зарар суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилишига мутаносиб равишда ошириб борилиши белгиланиб Сатторованинг ҳуқуқлари тикланган.

Бу турдаги, аниқроғи аёллар ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилинган ишлар мисоли жуда кўп.

Фармон ижроси барча учун бажарилиши шарт.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда аёллар ҳақидаги ғамхўрлик, аёлларга муносабат давлат сиёсати диққат марказида турибди.

И.А.ШОЙМАРДОНОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди судъяси.

ТАНГА ШИФО НОНЛАР

Тошкент шаҳрининг "Ғалла-Алтег" ун комбинатида, давлат дастури режасига биноан, биринчи навли ннинг таркиби темир моддаси ва фолий кислотаси билан бойитилиши, шунингдек "Тошкент нон" ишлаб чиқариш ассоциациясида ушбу моддалар билан бойитилган ундан нонлар пиширилиб, аҳолига етказилиши бошланди.

Маълумки темир моддаси она саломатлиги ҳамда боланинг ўсиши ва тўғри ривожланиши учун ниҳоятда зарур.

Тиббиётчиларнинг такидлашларича анемия (камқонлик) инсон танасида темир моддасининг етишмаслиги туфайлигина юзага келади ва унинг оқибатида пайдо бўладиган касаллик "микронутриентлар танқислиги касаллиги"-деб номланади. Бу касаллик кўпинча аёллар ва болаларда кўп учрайди. Бу болаларнинг ақлан ва жисмонан заиф бўлишларига сабаб ҳисобланади. Ҳомиладорлик даврида ва туғруқ вақтида асоратлар ва инфекцияли касалликлар келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлади. Камқон оналардан туғилган болалар ҳам камқон бўлиб, оғир ҳолатларда боланинг нобуд бўлиши аниқланган.

Хамирли овқатларни, картошкали, ёғли ва дуккакли овқатларни истъемол қилиш пайтида чой ичиш ҳам инсон танасидаги темир моддаси ва бошқа фойдали микроэлементларнинг парчаланиб кетишига олиб келар экан.

Шунинг учун овқатланиш пайтида иложи борича чой ичмасдан, унинг ўрнига ҳар хил шарбатлар ва кайнаган сув ичиш тавсия этилади. Чойни эса овқатдан ярим соат кейин ичилсагина зарарсиз эканлиги аниқланган.

Хуллас, ун маҳсулотларини зарур витаминлар билан бойитиш инсон саломатлиги учун энг самарали ва арзон усулдир.

Унни бойитиш бўйича миллий дастур Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг 2004 йил 5 мартда имзоланган шартномасига асосан тайёрланди.

Лойиҳа доирасида махсус қурилмалар билан таъминланган ун ишлаб чиқувчи корхоналар сони 14 тадан 48 тагача етказилади.

Дастлабки ҳисобларга кўра, бу касаллик хавфи мавжуд бўлган аҳолининг 90 фоизини таъминлаши мумкин. Бироқ бу давлатимиздаги барча чиқарилаётган ннинг 60 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кунда вилоят, туман ва қишлоқларда кичик-кичик тегирмонларда ҳам унлар чиқарилаётган бўлиб, улар бу лойиҳага киритилмаган.

Лола АҲМЕДОВА

Бахт келган лаҳза

Эрта тонгда елиб келаётган "Тико"ларнинг бирига қўл кўтардик. Уни қарангки, ҳайдовчи қиз бола экан. У бизга биринчи бўлиб салом берди. Таксичи қиз билан ёнма-ён ўтирган оқсоқол уни дуо қилишга тутинди.

- Умрингдан барака топ, қизим. Ўзингга ҳам, муомалангга ҳам ҳавас қилдим.

- Ўзиям биринчи йўловчи сиз бўлдингиз, тоға. Машинага фаришта киргандай, суюниб кетдим. Лекин ниманидир унутгандай кўриндингиз? - деди таксичи қиз ҳам ўз навбатида.

- Ҳе, зеҳнингга балли! Катта ўғлимникига ўтгандим. Шунча гапни айтибман-у, энг зарурини унутибман.

- Ўғлингизнинг уйларида телефон борми?

- Ҳа.

Таксичи қиз машина қутидонидан уяли телефонини олдида, оқсоқол айтган рақамларни териб, телефонни унга узатди. Оқсоқол ўғли билан икки оғизгина сўзлашиб, телефонни эгасига қайтарди.

- Қара-я, эрталабдан икки карра хожатимни чиқараяпсан. Шу одатингни ҳеч тарк этма. Бомдод намози ўқилгандан кейин битта одамни хурсанд қилсанг, ўнта мушкулинг осон бўлади. Сени Хизр бувам қўлласин, Оллоҳу акбар!

Оқсоқол шундоққина уйининг дарвозаси олдида машинадан тушиб, битта беш юз сўмлик узатди.

- Ма, она қизим! Шу пулимга минг марта қайтибдилар. Уларни биргаликда зиёрат қилиб келсак".

"Нуроний оқсоқол" биз билан ўшанда таксида бирга келган инсон бўлиб чиқди. Унинг юзларидан нур ёғилиб турарди. Отахон билан суҳбат қуриб ўтирганимизда, фариштали бир келинчак салом бериб, ёнимизга чой қўйиб кетди. Уни танидик. Бу - ўша таксичи қиз эди.

- Ўша кунлари неварамни уйлантирмоқчи бўлиб юргандик. Шу қизнинг зийраклиги ёқиб қолиб, уни ўғилларимга айтиб, қидириб топтирдим. Умридан барака топсин! Оиламизга жуда мос тушди, - деди оқсоқол қувонч билан.

Қаранг, ширинсўзлик, бахт эшигини очади, деб бекор айтишмаган.

Ҳаётнинг қувончли онлари

Етти чинор ҳикмати

Чинобод қишлоғига кираверишдаги етти туп чинор беихтиёр завқингни оширади. Уларнинг танаси тоза, шохлари бақувват, ости эса шунақаям соя-салқинки, бу ерда нафас ростлаб, ором олганлар озмунчами?.. Қишлоқ ҳам ана шу етти туп чинори билан машҳур.

Чинорларни сув хўжалиги идорасининг қоровули Қурбонали тоға урушдан қайтган йили бир қўллаб эккан экан. Уни таниганлар: "Урушда бир қўлидан айрилиб, юзи минг чандиқ бўлиб қайтган", - дейишади. Чинор кўчатларини аллақаёқдан топиб келиб, уларнинг орасини бир ҳилда ўн беш қадамдан ўлчаб эккан экан.

- Нима қиласиз, овора бўлиб? Сув йўқ, кўчатлар барибир қуриб қолади, - дейишган экан ишхонасидагилар.

- Одамлар жазирама офтобда машина пойлаб туришибди, - жавоб қилибди у. - Экиб қўйсам, бир куни салқини тушиб қолар.

Унинг ўзи эринмасдан бир чақиримча наридан ариқча очиб, сув олиб келибди. Қурбонали тоға ҳозир ҳам ҳаёт эканлар.

Олтмиш йил ичида сув хўжалигида қанчадан-қанча одамлар ишлаб кетишибди. Уларни ҳеч ким номма-ном эслай олмайди. Чунки ҳаётда бошқаларга яхшилик қилган инсоннинг номи эсланаркан. Қурбонали тоға экқан чинорлар бутун бир қишлоқнинг шуҳратини оширибди, унга файз бериб турибди. Кимки қалбига бошқаларга яхшилик қилиш ниятини жо қилса, Тангри унинг ишига ҳамиша хайрихох бўларкан. Куч-қувват бахш этаркан. Обрў-эътиборини ҳам баланд қилиб қўяркан.

Қурбонали тоға экқан чинорларга қачон кўзим тушса, урушдан қайтган бир қўлсиз навқирон йигитни, соғ қўли билан чинор кўчатини тутиб, ўн беш қадам масофага қадамлаб бораётгандаги ҳолатини тасаввур қилаверараман. Чинорни минг йил яшайди, дейишади. Демак, Қурбонали тоғанинг номи ҳам минг йилгача одамлар ёдида эъзозланиб, яшайверади.

Комилжон НИШОНОВ.

● ЯХШИ ИНСОН ЭДИ... ●

...Маҳаллада нафаси ўткир деб ном чиқарган Расул ота бандаликни бажо келтирди. Яхши кунлардан буюрди. Рамазон ойининг сўнгги куни масжиддан келиб, ёнбошлаган кўйи қайтиб турмади. Хайит намозига чиқарадиган бўлишди. Қамбар ота қабр кавлаяпти-ю, ҳар куракни ерга урганида тупроқ ўз-ўзидан ағдарилиб, осонгина жой ҳозирланди. Қандайдир гўрнинг ичи ҳам ёруғ, худди нур таралаётгандек.

Қамбар ота бундай ҳолатни кўрмаганди. Шунда хаёлига Расул домланинг: "Яхши инсон эди, гўри нурга тўлгур", қайси бир ўтган инсонни хотирлаганда кўп ишлатадиган сўзи келди. Домла бува ҳеч қачон бировни ёмон демаган, фақат тўғри йўлга солишга интилган инсон эди. Унда ҳам қуруқ насиҳат эмас. Тарбия олса арзийдиган бир ҳикоятни айтиб, унинг юрагига қўл соларди. Ўйланишга ундарди. Шундай йўл билан иймонга киргизарди. Издиҳомларда ибратомуз масаллар айтарди. Бу албатта ўтирганларга сабоқ бўларди. Дунёнинг ҳо-ю ҳавасларидан кўра охиратни ўйлаш, хайр-эҳсонли бўлишни уқтирарди.

Буни қарангки, Қамбар отани ҳаяжонга солган нарса шундай илмли, мўмин одамга осонгина жой ҳозирлангани-ю, силлиққина кириб кетгани бўлди. Бу ҳам Оллоҳнинг марҳаматию, қилган яхши амалларининг ажридир.

● БИРОВНИНГ ҲАҚИ ●

...Моҳира опа эса узоқ йиллар тикувчилик қилди. Қанчадан-қанча шогирдлар чиқарди. Шу ҳунарнинг орқасидан бола-чақа боқди, рўзғор тебратди. Фарзандларининг отасизлигини билинтирмади. Лекин қизлари катта бўлган сари уларнинг харҳашалари кўпайди. Мижозлари янги чиққан материалдан кўйлак тиктирганда уларнинг ҳаваси келди. "Бизга ҳам шундай кўйлак тикиб берасиз,"-деб оёқ тириб оладиган бўлишди. Аввалларига иккита бу-юртма кўйлакдан биттасига ошинарди. Энди эса қизларининг бўйи чўзилди. Эвини қилиш қийин. Шунда ҳам унисининг, бунисининг қийқимларидан кўйлакчалар тикиб бозорга олиб чиқиб юрди. Шу билан қизлари янги урфдаги кўйлаклардан қолмади. Бора-бора мижозлар Моҳира опанинг ишидан кўнгли тўлмаётганлигини яшириб ўтиришмади. Баъзилар тор, калта бўлиб қолган кўйлакларни очиқ-ошкора ёнига ташлаб кетишди. Гоҳида ғудраниб бўлса-да, олиб кетганлар бўлди. Моҳира ҳам уларни минг бор ҳадик билан кутиб олар, у ёғини-бу ёғини тўғрилаб кўйлагини ўтказгунча эси кетарди. Ёши ўтиб, кўзи хиралашди. Игнага ип ўтказа олмай қолди. Кейинчалик тузалмас дардга чалиниб, оламдан ўтди.

Яна қизиқ воқеа рўй берди. Гўрков ота мўлжалланган ерни ковлаганида қийқим чиқаверди. Зумда анчагина уюлди. Ҳар куракни ерга урганда латта илинаверди. Қамбар отанинг ҳайронлиги ошди. Бир амаллаб ичкарини қийқимлардан тозалаб, майитни қўйдилар. Даҳлизига эса қабрдан чиққан латта-путталар ташланиб, тупроқ тортилди. Шунда Қамбар ота марҳуманинг касби-корини суриштирди.

- Тикувчи эди, - бир овоздан жавоб берди яқинлари.

Қамбар ота уйга алланечук кайфиятда кириб келди.

- Ҳа, нега рангингиз ўчиб кетди,

- Хайри хола чолига юзланди.

- Айтсам, ёқа ушлайсан. Бунақа ҳолатни кўриб, очиғи ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

Бор гапни эшитган кампири воқеага аниқлик киритди.

- Тикувчида бировнинг ҳақи қолмаслиги керак. Онам ўзининг ва бизнинг кўйлакларимизни қишлоғимиздаги "чевар хола" деб ном чиқарган аёлга тиктирарди. Олиб келиш учун борганимда эса майда қийқимларигача солиб берарди. "Қўяверинг хола",-дея уларни олишдан бош тортардим. Шунда "Нариги дунёда жавоб беришим бор, болам", - деб тугунчага солиб қўлимга тутқазарди. Раҳматли Моҳирахон бировнинг ҳақидан қўрқмасди.

Қамбар ота ўйга чўмди-да, соқолини тутамлади. Эҳтимол, Яратган эгамнинг бу синоати ғофил бандасини ҳаётда тўймаган кўзини тўйдириш учун қилган мўъжизасидир.

● ТУПРОҚ ҚАТТИҚ ЭДИ... ●

...Бадриддин акани "Бадирбой" деса қишлоқ аҳли яхши танийди. Негаки, уй-жойи қасрни эслатади. Остонаси қаттиқ. Хотини Салтанат қўшнилар билан кўпам кирди-чиқди қилавермайди. Казо-казолар уларнинг ҳамтовоғи. Маҳалла аҳли бир неча бор ички кўчаларни ўнглашга, уйига, янги либослар сотиб олишга сарфлайверди. Мактабни битирган ўғлига ҳам янги русумдаги машина олиб, миндириб қўйди. Босар-тусарини билмай қолишди.

Нима бўлдию, ишлари чаппасига кетди.

Текшир-текшир бошланди. Бадирбойни юрак хуружи тутиб, касалхонага ётқизилди.

Уч кун деганда...

Қамбар ота марҳум учун жой ҳозирлай бошлади. Лекин тупроқ шу қадар қаттиқ эдики, азбаройи қийналганидан терга пишиб кетди. Зиқна одамга ер ҳам бағрини бермаётгандай туюлди.

● БУКРИНИ ГЎР ТУЗАТАДИ... ●

...Раҳмат ота очиқ кўнгил инсон эди. Бошидан кўп қийинчиликлар ўтган. Орқасида ўнгири бор. Шунданми, "букри" деб ном олганди. Лекин тўғрилардан кўра ўнғлиғ эди. Ҳовлисида етиштирилган сархил меваларни маҳалланинг болаларига едирарди. Бировдан ёрдамини аямасди. Бир бурда нонни ҳам ҳалоллаб ерди. Кўпроқ дардлашгиси келса, Қамбар отани изларди. У билан суҳбатлашиб енгил тортарди.

- Кампир, бефарзанд бўлсак ҳам ёнимда сен борсан. Иссиқ-совуғимдан хабардорсан. Лекин Раҳматжонга қийин-да.

- Нега уйланмаган? Онаси шўрлик ҳам шу битта боласини деб ўтиб кетди-я...

- Тенги топилмади-да. "Менга ким ҳам тегарди", - деб уйланишни ихтиёр қилмади. "Онамнинг чиройини ёқиб, дуо-фотиҳасини қилиб ўтирсам бўлди", - деб гапиради-ю, ўзининг чиройини ёқадиган йўқлигидан афсус чекади. Бугун нима гап топиб келибди, дегин.

- Ҳа, нима гап.

- "Тириклигимда уй-жойимни Садбархоннинг болаларига хатлаб берсамми, болалари кўп. Бева боши билан ўғилларига уй солиб қийналади. Менга ҳам болаларининг кўп ёрдами тегади. Бечора ўзларидан ортиниб, мендан ҳам хабар олиб туради, нима дейсан?" - деб маслаҳат солди.

- Тўғри ўйлабсан, савоб бўлади, дедим. Шунинг ҳаракатини қиладиган бўлди.

Дунёнинг ишлари қизиқ. Раҳмат ота Оллоҳ дилига солган ишни қилди. Бир камхарж оиланинг қаддини тиклади. Кўнгли тинч, омонатини топширди.

Қамбар ота дўстини сўнгги йўлга ўзи кузатмоқчи бўлди. Қўйишда бироз қийналди. "Дўстим, шу ерда ҳам мени қийнама", - деди кўзида ёш билан. Майит қўлидан осонгина сирғалиб тушди. Оллоҳнинг қудратини қарангки, марҳум букри тўғри бўлиб қолганди. Шунга айтсалар керак-да, букрини гўр тўғрилайди, деб...

* * *

Ҳа, азизлар, югурик ҳаёт инсон учун бир имтиҳондай гап. Ундан қай йўсинда ўта олиш сизу бизнинг босган қадамимизга, илму амалимизга боғлиқ.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА

Қамбар ота умрининг сўнгги йилини савоб ишга бағишлади. Гўрковлик қилди. Ёшлигидан бирга катта бўлган дўст-ёрлари, ҳамқишлоқларининг айримларини ўзи қабрга қўйди. Шунда дунёнинг сир-синоатларига дуч келди. Бу ёлғон дунёда бировга савоб, бировга молдунё ийгди, аллаким зиқна бўлди. Яна кимдир ўзганинг ҳақидан қўрқмай яшади. Қилган илму амали ва қандай инсон бўлиб ҳаёт кечирганлиги умрнинг интиҳосида билинишига амин бўлди. Қуйида берилган воқеалар Қамбар отанинг кўрган-кечирганлари асосида ёзилди. Ажаб эмас, бу кимларгадир сабоқ вазифасини ўтаса...

ҚИССАДАН ҲИССА

Умр интиҳосидаги синоат



ТАҚДИРИМ ЧИГАЛ КЕЛДИ...



Таҳририятга кириб келган бўйчангина, истараси иссиқ йигитнинг кўзлари маъюс, қўлида эса бугун сотувга чиққан газетамиз бор эди. У хонада ўтирган ҳамкасбларимга тортиниброқ қараб қўйди.

- Мана бу газетани ўқиб, мен сингари одамлар кўплигини билдим... - дея унинг кўзларида ёш айланди. - Менинг ҳам ҳаётимни барбод қилишди. Олийгохда ўқиётганимда бир қизни севиб қолдим. У ҳам мени. У жуда чиройли эди. Ақлпаздик. Ойим совчиликка бориб, уникидан шаштлари паст ҳолда қайтдилар. Сўнг: "Болам, улар жуда баланд - мансабдор, "бақувват" одамлар экан. Биз ўртаҳол оила бўлсак... Уларга "бўйимиз" етмаса керак", - дедилар. Севгилимдан айрилиб қолаётгандек, юрагим тез-тез ура бошлади. Қизга қўнғироқ қилдим. "Барибир тўйимиз бўлади!" - деди у қатъий. Иккаламиз ҳам ахдимизда туриб олдик. Тўй бўлди... Аммо қайнонамнинг: "Барибир сизларни бирга яшатмайман. Сизлар бизнинг тенгимиз эмас!" - деган гапи кўнглимни безовта қилиб қўйди. Бир йил хавотирда яшадим. Қайнонам хоҳлаган пайтда, қандай алфозда ўтирмайлик (ҳатто ётган жойимиздан) турғазиб, қизини уйга олиб кетарди. Қайнонам катта мансабда эди - қўли хоҳлаган томонига етарди.

- Қизи ҳам индамай онасига эргашаверармиди?

- Айтганини қилмаса, хотиним ойисидан калтак еган пайтлари ҳам бўлган. Мен эса илтижо қилганча қолардим. Хотинимни яхши кўрганим учун, ойисига тик қараб гапиришга ҳаддим сиғмасди. Шу тахлит ҳаётимиз гоҳ қувончли, гоҳ ғамли ўтарди.

- Қайнона-қайнотангиз яхши ишда экан, сизларга ҳам ўзлари хоҳлагандай имконият қилиб берса бўлмасмиди?

- Аслида биз ҳам оч-яланғоч яшаётганимиз йўқ эди. Қолаверса, қайнонамнинг муддаоси бизни ажратиш эди. Бу орада ўғилчалик бўлдик... Қувончимизнинг чеки йўқ эди. Аммо энг катта бахтсизлик олдинда экан. Бир куни ишдан қайтсам, хотиним ва ўғлимни (1 ёшда эди) ойиси олиб кетибди. 3 кундан сўнг хотинимни қидириб қайнонамникига бордим. У: "Бўлди энди уни унут! Қидиришга ҳаракат қилма, бўлмаса ўзингга ёмон бўлади!" - деди. Сўнг кўчага ҳайдади. Одам бўлиб яралганимга ўкиниб кетдим. Хотинимни қаердалигини билмасдим. Ярим тунгача унинг ҳовлиси атрофида юрдим. Шунда 2 та милиционер йигит келиб, мени участкага олиб бориб қамаб қўйди. Қайнонамнинг исмини айтишди. Роса "сабоқ" беришди. Эрталаб бўшатишди. Мен айбим нима эканлигини билмасдим...

- Хотинингиз-чи, қўнғироқ қилиб, ўзи ҳақида хабар бермадими?

- Йўқ. Кунларим ноаниқликдан қийналиб ўтарди. Ҳар кун бориб, "Чиқиб қолармикин?" - деб, узоқдан ҳовлисига тикилиб ўтирардим. Шу аснода орадан 2 йил ўтди.

- Тавба, эртакка ўхшайди. Қўлтиғингизнинг тагидан бус-бутун одамни олиб кетиб, онаси "изини ўчирса-ю", сиз индамай, тақдирга тан берсангиз?!

- Милицияга бормоқчи эдим. Қайнонам: "У эрга тегди. Энди унинг номини тутма!" - дея охирги умид чироғимни ҳам ўчирди. Ахийри онамнинг қистови билан бир қизга уйландим. Аммо биринчи хотинимни унутолмас, ўғлимни соғинардим... Шу орада иккинчи хотиним қиз туғди. Ҳаётнинг ўз темир қонунлари бор экан - бу кунга ҳам кўника бошладим.

- Биринчи хотинингиздан ажрашганмидингиз?

- Албатта йўқ. Иккинчи хотинни шаърий никоҳга олдим. Аммо пешонам шўр экан. Шол ётган қайнотамдан хабар олишга кетган хотинимни отасиникига тасодифан бориб қолиб, "биров билан..." кўрдим-у, индамай ортимга қайтдим. У уйга қайтиб, мендан кечирим сўраб йиғлади. Хотиним ўша йигит билан ёшликдан бир-бирларини севишаркан. Аммо у уйланган, бунинг ота-онаси менга беришгани учун тақдирлари айро тушган экан. Мен биринчи хотинимнинг хаёли билан бўлиб юриб, унинг кўнглини сўрамаган эдим. "Майли, эркак ҳақидаги ёмон "гап" вақти келиб унутилади, аммо аёл кишини абгор қилади. Ҳамма айбни менга ағдар-да, кетавер. Аммо қизимни эҳтиёт қил..." - дедим. У кетди. Ўзимни ишга "урдим". Лекин бу воқеалар мени эзиб, тушкун ҳолатга тушиб қолдим. Бир куни ўзимни осмоқчи ҳам бўлдим... Укам келиб қолди...

- Шундай забардаст йигит... Товонингиздан ўт чақнайдиган пайтда-я?! - унинг кўнглини кўтаришга уриндим.

- Мени ҳеч ким 35ёшда, демаса керак...

- Эркак кишига ҳаётдан нолиш ярашмайди. Ҳали ҳамма қувончли кунларингиз олдинда. Хуллас, биринчи хотинингиздан дарак бўлмадими?

- Биринчи хотиним 4 йил деганда мени сўроқлаб қўнғироқ қилди. Бир жойда учрашдик. Иккаламиз ҳам йиғладик. Айтишича, ойиси хотинимни бошқа вилоятга олиб бориб, мажбуран бир бойвачча ўртоғининг ўғлига никоҳлаб берган экан. "Агар айтганимни қилмасанг, эрингни йўқотвораман", - дебди. Лекин у ҳам иккинчи эрини яхши кўрмай, қайтиб келибди. Ундан сўнг онаси яна бошқа эрга берибди. Ҳозир ўша билан яшаётган экан. "Кел, ҳаммасига кўз юмиб, бирга яшайлик!" - дедим. "Йўқ! Мен энди икки турмуш кўрдим. Онам менинг ҳаётимни хароб қилди. Ҳозир ҳам унинг назоратидаман. Онамнинг "қамчиси" кўрсатганидек яшашга ўргандим. Сиз энди яхши қизга уйланинг. Бир кун катта бўлса, ўғлимизга сиздай отаси борлигини айтаман. Аммо ҳозир кўнгли бўлинмагани маъқул. Онам ҳам рухсат бермайди сиз билан учрашишига", - деди.

- У ҳали-ҳануз сизнинг қонуний никоҳингиздами?

- Ҳа. Охирги учрашганимизда "энди ажрашайлик бўлмаса", дедим. "Севганим билан яшолмадим, ҳеч бўлмаса шу ном мен билан қолсин!" - деди у ўкиниб. Баъзан қўнғироқ қилиб туради. Ўғлимнинг расмини олиб келиб берган. Худди ўзим. Уларни жуда соғинаман. Иккинчи хотинимни эса кўчакўйда кўриб қоламан, кўзлари кўкариб юради. Эри: "Сен туфайли оилам бузилди", - деб роса калтаклармиш. Мен аёлни чертган одамни ёмон кўраман. Бир кўнглим, қизчамни ўзим олсамми, деб юрибман. Ёки қиз бола онаси билан бўлгани маъқулмикан? Билмадим... Менинг ғамим отамни йиқитди. Ҳозир соғлигининг мазаси йўқ. Онам: "Кўзим очиқлигида бошингни иккита қилсам", - дейдилар. Боши берк кўчага кириб қолдим...

- Тақдирингиз жуда чигал келибди.

- Шу боис ҳам юртдошларимдан маслаҳат олсам... дегандим.

- Айни муддао. Азиз ўқувчи, Рустамжонга қандай йўл кўрсатган бўлардингиз? Ёзиб юборинг.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Ҳаром луқма оқибати



- Москвага учиш учун аэропортда ўтирганимда самарқандлик Баҳром ака Истамқулов билан танишиб қолдим. У кишига бошимдан ўтганларни гапириб бердим. Баҳром ака: «Сиз албатта «Оила ва жамият» газетаси таҳририятига боринг. Бошингиздан ўтган савдолар кўп одамлар кўзини очишга ёрдам бериши мумкин!»-деди. Шунинг учун тўғри келавердим,-деди рўпарамда ўтирган аёл.

- Қани бемалол дилингиздагини сўзланг,-дедим аёлга далда бериб.

- Онам вафот этганда, олти нафар бола етим қолдик. Мен 10 ёшда, кичик укам эса уч ойлик чақалоқ эди. Отам уйландилар.

Отам ўгай онамизга сўзини ўтказа олмасди. Ўгай онам жанжал қилиб, акам Бобурни ҳайдаб солди. Ўгай онамиз менга мол боқтирар, кўча супуртирар, мактабга юбормасди. Охири мени ҳам уйдан ҳайдаб юборди. Тоғамникида хизмат қилиб юриб, мактабни ҳам битирдим. СамДУга ўқишга ҳам кирдим. Охирги курсда ўқиётганимда тоғамнинг хотини мени укасига узатди. Эрим ошхонада ишлар, топиш-тутиши, еб-ичишимиз яхши. Мен қайнона-қайнотамнинг хизматини қилардим. Уч ўғил ва икки қизлик бўлдик. Улар улғая бошлади-ю, бошимизга ташвиш-устига ташвишлар ёғилди.

- Қандай қилиб?

- Катта ўғлим Ихтиёр савдо соҳасини танлаб, институтга кирди. Иккинчиси Ислом эса... Биз сандиққа яхши ният билан тўй қилишга йиғиб юрган 20 минг сўм пулни (ўша даврда бу катта пул эди, ахир) ҳавога совуриб хонавайрон қилди. Шунча пулдан уч минг сўмгина қолганда буни билиб қолдик. Маишатга ишлатиб юборибди. Эрим ўғлимни ўласи қилиб дўппослади. Уйланса одам бўлар деб уйлантириб қўйдик. Уч ойдан сўнг келинимни отаси олиб кетиб қолди. Қайнотаси билан бориб уришавергач, жанжалкашлиги учун уни қамаб қўйишди. Келиним қайтмади, Ислом билан укаси ича бошлашди. Мен уялганимдан ўқитувчиликни ҳам ташладим. Одамларнинг кўзига қарай олмасдим. Бу орада кўкрак саратони бўлдим. Болаларим эса ҳолимдан бир марта ҳам хабар олишмади. Хуллас, ногиронлик нафақасига чиқдим. Катта ўғлим Ихтиёрга Тошкентдан келин олдик. У оқила ва баъмани эди. Унинг синглисини кейинги ўғлим Исломга олиб бердик. Аммо, хурсандчилигимиз узоққа бормади. Ислом ичавергач, хотини кетиб қолди. Иши юришмай қолиб, катта ўғлим ҳам хотинини уриб-тепадиган одат чиқарди. Қизимга келган совчилардан бирига оқ ўратиб юбордим. У ҳам болали бўлгач уйга серқатнов бўлди. Қудаларим кўкат етиштирадиган деҳқон эдилар, қизимнинг бу қилиғи уларга ёқмади. У ажрашиб уйга келиб олгач, катта келиним жанжалларга чидай олмасдан Тошкентга кетиб қолди. Ишимиз орқага кетди. Эрим ижарага ошхона очганди, бўлмади. Ислом ичкилик учун уйдаги бор бисотимизни, ҳатто, машинагача сотди. Уйда ейишга нон ҳам қолмади. Беш йилдан буён қизим Ҳафизани олиб Москвада кўкат сотаяпмиз. Ўғлим Ихтиёр маст ҳолда хотинини пичоқлаб ўлдириб, 15 йилга қамалиб кетди. Иккита боласи етим қолди. Иккинчи ўғлим Ислом Самарқандда қилган қилиқларини Москвада ҳам қилиб юрибди. Ҳар куни келиб мендан пул олади, бермай иложим йўқ. Вақтинча яшаш учун рўйхатдан ўтмаганмиз. Милицияга ушлаб бераман, деб қўрқитади. Кичик ўғлим Музробни ҳам уйлантиргандик. Ичиб келиб йиқилиб, оёғини синдириб касалхонада ётганмиш... Уч ўғилдан биттаси ҳам қўлимдан ишимни олмади. Ёшим ўтганда ногиронлигимга қарамасдан чўридай меҳнат қилсаму болам уриб пулимни тортиб олса-я?

Аёл аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади. Уни юпатгим келарди.

- Кечирасиз Қумри опа, бошингизга тушган бу савдоларнинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

- Шу саволни кейинги пайтларда ўзим ҳам бот-бот берадиган бўлдим. Менимча бунга аввало эрим айбдор, деб ўйлайман. Ошхонада ишлаб юрганида болаларимга ҳаром луқма едирдик. Чунки ҳалол луқма еб катта бўлган болалар тарбияли, меҳрибон ва одобли бўлади. Балки болаларига ҳаром луқма едирмасдан яхши тарбиялаганида бахт биздан юз ўгирмасмиди? Бойлик деб, умримизни беҳуда ўтказдик, фарзандларимизни бахтсиз қилдик.

Қумри опа айтиб берган воқеалардан қаттиқ таъсирландим. Онасиз, бировларнинг эшигида ўсиши етмагандек, кексайганда шунча савдоларни кўраётган аёлга ачиндим. Қумри опага тасалли бердим.

Ҳаёт доно, ҳаёт бешафқат! У инсонларни пул топиши учун имкон беради. Ҳаром пул топганларни кексайганда тентиратади, ҳалол луқма топиб, сабр-қаноат қилиб яшаганларни эса кейинчалик сийлайди. Буни асло унутмаслик керак.

ГУЛБАШАКАР

"ОСТОНАСИ ТИЛЛО" УЙГА КИРАЁТИБ...

"Бешик тўйи" ни ўтказдию" - 23-сон

ЭСЛАТМА: Бировларнинг таъсирига берилиб «бешик тўйи»ни кафеда ўтказдим. Чақалоққа кийим-кечакларни «прокат»га олдим. Тўй жуда данғиллама ўтди-ю, аммо кейин касалхонага тушиб қолдим. Сабаби, катта қарзга ботиб кетганлигим боис жуда сиқилдим.

Муаллиф: Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Бу мақола менга қаттиқ таъсир қилиб, анчадан бери ўйлаб юрган муаммоларимга уйғун бир ҳолатни кўз олдимга келтирдим.

Мени ўйлантираётган муаммо ҳам шунга ўхшаб кетади - мустақил турмуш сари илк қадам қўяётган келинчакларнинг тўй либоси...

Дугонамнинг никоҳ тўйи тайинланган, у шаҳримиздаги ҳамма "Тўй либослари" салонларини айланиб чиқиб, ўзига бежирим, замонавий, европача усулда тикилган никоҳ кўйлагини танлади. Кўйлак хорижники бўлиб, унинг 3 соатлик ижара баҳоси 300 доллар эди.

Тўй ҳам ўтди. Тўй ташвишлари билан овора бўлган келиннинг опаси кўйлакни белгиланган муддатдан сал кечроқ топширишга олиб бориб, у ерда худди Гулчеҳра опа баён этгандек, ачинарли бир ҳолатга дуч келган ва ҳаддан ортиқ асаббузарлик уни шифохона каравотига "михлаб" қўйган эди...

Тўйдан сўнг биз — қизлар келинни йўқлаб унинг янги уйига бордик. Безатилган, муҳташам хоналарда сарполар чиройли қилиб осилган. Куёвнинг тўйда кийган костюми ёлғиз, унинг ёнида "келин кўйлак" йўқ эди. Чунки, "келин кўйлак" омонат эди-да!..
16.25 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.45 Янги алифбони ўрганамиз.
17.15 "Шум бола". Ҳажвий киножурнал.
17.30 "Ҳаёт ва қонун" тележурнали.
18.00 Олтин мерос.
18.15 "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
18.40 "Мари Кюри". Бадиий фильм. 5-қисм.
19.25 "Ўзлото" кундалиги.
19.30 "Ахборот".
20.05 "Одамлардан бири".
20.30 "Ахборот".
21.10 "Муносабат".
21.40 ТВ альбом.
21.45 "Қалб туғёни". Бадиий фильм. 3 -қисм.
22.55 ТВ анонс.
23.00 "Прицциллар оиласининг шаъни". Бадиий фильм. 2-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг".
8.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
8.20 Мафтунингман, диёрим!
8.25 Иқлим.
8.30 Давр.
9.00, 13.10, 16.15 , 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
9.05 «Эсмеральда". Телесериал.
9.35 Давр репортаж.
9.45 "Мультгомоша".
10.15 Тенгдошлар.
10.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳужжатли сериал.
11.20 Ёшлар овози.
11.40 «Пахтакор-79". Самодаги юлдузлар.
12.10 Ёшлар ва ҳуқуқ: баҳс, мунозара, таҳлил.
12.50 Мусиқий лахзалар.
13.00 Давр.
13.15 «Даллас". Телесериал.
14.00 «Анпанман". Мультсериал.
14.25 «Одам бўлмайди". Бадиий фильм.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.20 Мезон.
16.40 «Ўзбеккино» намойиши: «Тандир".
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55". Янги авлод « студияси: У ким? Бу нима?
17.15 Ёшлар куйлаганда.
17.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
17.50 Кафолат.
18.05 «Истиқлолим-истиқболим". Фототанлов.
18.10 Нигоҳ.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Сайёра.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Азизим.
20.35 ТВ-адвокат.
20.40, 21.30 Эълонлар.
20.45 «Муҳаббат можароси".
21.35 Давр мавзуси.
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Эсмеральда".
23.35 Интерфутбол.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Миттивойлар мактаби.
17.50 «Эл хизматида".
18.05 «Иқтисодий тараққиёт йўлида". /рус/.
18.30, 20.00, 21.20, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 , 21.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Имконият".
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара".
21.40 «Дорихона эшитади".
22.50 Кинонигоҳ. «Дўст кулфатда билинар".



7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 Мультсериал.
9.10 "Хозяйка судьбў". Сериал.
10.40-11.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Локомотив" - "Нефтчи".
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Спорт- саломатлик гарови".
17.35 "Жаҳон футболи".
18.05 "Олимп сари йўл".
18.20 "Дадиллик учун соврин".
18.50 "Поле чудес".
20.00 "Вести".
20.20 Премьера. "Близнецў". Сериал (Республика Корея)
21.15 "Заҳирадаги спортчи".
21.30 "Хабарлар".
21.45 "Спорт клуб". Ринг.
22.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Трактор" - "Металлург".
23.05 Жаҳон спорти: "Снукер".
00.05 "Тунингиз осуда бўлсин!"



12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 – **«Детский час»**
12.50 – **«Бедная Настя»**,
14.00 – Х/ф **«Кулак полярной звезды»**, фантастика
15.30 – «Ошикона» мусикий дастури
16.15 – **«Озгина - Созгина»**, повтор передачи
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ - «Мультсериал»
17.25 – НТТ «Марказ-ТВ такдим этади»
17.40 –НТТ «Аёлар орзуси» передача 30 канала
18.00 Кинокурьер Марказ-ТВ
18.10 – НТТ «Эркин фикр»
18.45 Мумтоз оханглар
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Мультфильм»
20.00 – «Мусикий лахзалар»
20.45 – «Телехамкор», фойдали газета
21.00 – НТТ «Кунгил кучалари» 15 серия
22.00 – «Мусикий лахзалар»
23.00 – Х/ф **«Сматывай удочки»**, комедия

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Михаил Глузский в детективном сериале «Убийство на Монастырских прудах». Заключительная серия
9.20 Иронический детектив «Любительница частного сыска Даша Васильева». Заключительная серия
10.30 Дисней-клуб: «Ведьма»
11.00 Новости
11.20 Евгений Киндинов в остросюжетном фильме «Тревожный вылет»
13.00 Чужие здесь не ходят в фильме «Глухомань»
14.00 Новости
14.20 Михаил Пуговкин в комедии «Ход конем»
15.50 «Хозяйка судьбы»
17.00 Вечерние новости
17.10 Вне закона. «Охота на волков». 2-я серия
17.40 «Две судьбы». Многосерийный фильм
18.50 «Поле чудес» с Леонидом Якубовичем
20.00 Время
20.25 «Кривое зеркало»
22.00 Возвращение монстра в триллере «Хищник - 2»
23.50 Легкая атлетика. Чемпионат мира. Передача из Финляндии
0.20 Руттер Хауэр в фантастическом боевике «Солдаты апокалипсиса»
1.50 Фильм Милоша Формана «Реггайм»

4:00 «Доброе утро!».
7:45 Владимир Гостюхин, Ярослав Бойко, Дмитрий Дюжев, Алиса Гребенщикова и Егор Титов в телесериале «Команда».
8:45 «Мой серебряный шар. Савелий Крамаров». Ведущий - Виталий Вульф.
9:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 «Мусульмане».
11:00 «Вся Россия».
11:15 ПРЕМЬЕРА. Семейная комедия «Кошки против собак» (США). 2001г.
12:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:30 ПРЕМЬЕРА. «Суд идет».
14:30 Александр Дедюшко, Ольга Кабо, Аристарх Ливанов и Владимир Конкин в телесериале «Сармат».
15:30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:00 ВЕСТИ.
16:25 «Кулагин и партнеры».
16:55 Степан Старчиков, Ирина Сенотова, Надежда Бахтина и Денис Матросов в телесериале «Кармелита».
18:00 Валентина Талызина, Амалия Гольданская, Алексей Булдаков, Эммануил Виторган, Валентин Смирнитский и Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 «Кривое зеркало. Театр Евгения Петросяна».
22:00 Анна Назарьева, Сергей Габризлян, Валерий Баринов и Алексей Петренко в комедии «Игра на миллионы». 1991г.
0:00 ПРЕМЬЕРА. Дэвид Аркетт в триллере по рассказу Стивена Кинга «Верхом на пуле»
2:00 «Дорожный патруль».
2:15 «Закон и порядок»
3:05 «Ангелы Чарли». Телесериал (США).
3:55 Канал «Евроньюс»

ШАНБА 13

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
9.00-9.35 "Ахборот".
9.40 "Эътикод мустаҳкамлиги. йўлида".
10.30 "Олтин тож".
11.05 "Оналар мактаби".
11.25 "Оҳанглар оғушида".
11.35 "Мари Кюри". Бадиий фильм. 5-қисм.
12.20 "Дўстлик" тележурнали: 1. "Чинсэн". 2. "Умид".
12.50 "Қалб туғёни". Бадиий фильм. 3 -қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.10 ТВ анонс.
14.15 "Бу турфа олам".
14.45 Спорт янгиликлари.
15.00 "Истиқлол тароналари".
15.15 "Оддий ҳақиқатлар".
16.00 Янгиликлар"
16.15 "Санъат ғунчалари".
16.35 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.55 ТВ анонс.
17.00 "Бизнес ҳафта".
17.15 "Наволарим сенга, она юрт". Мусиқий дастур.
17.30 "Интеллектуал ринг".
18.15 "Мари Кюри". Бадиий фильм. 6-қисм.
19.00 ТВ анонс.
19.05 "Ёшлик наволари".
19.15 "Ўзлото". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Хаёт давом этади".
20.30 "Ахборот".
21.05 ТВ анонс.
21.10 "Йиллар армони".
21.50 "Киноафиша".
22.10 "Оилавий бизнес". Бадиий фильм.
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 «Мунаввар тонг".
8.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.20 Мафтунингман, диёрим!
8.25 Иқлим.
8.30 Давр.
9.05 "Эсмеральда". Телесериал.
9.35 Табобат оламида.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Давр мавзуси.
11.15 «Басат паҳлавон". Мультфильм.
11.35 Оҳанрабо.
12.15 «Маҳоҳорат". Телесериал.
13.00 Давр.
13.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мўъжизалар майдони".
13.25 «Алишер Навоий". Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё. вилоят мусиқий драма театрининг спектакли.
14.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан «Замондошларим".
15.10 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.10 Интерфутбол.
17.00 Меҳмонхона.
17.25 Бола тилидан.
17.55 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
18.15 «Қаҳҳаҳа».
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Заковат".
20.35 Кутилмаган меҳмон.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Маҳоҳорат".
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Кулгуч.
22.55 «Сейонара". Бадиий фильм 1 -қисм.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Мултчархпалак".
17.40 «Франциянинг унутилмас гўшалари". Хужжатли фильм.
18.30, 20.00, 21.25, 23.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Шунақа гаплар". Хажвий кўрсатув.
19.10, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.20 «Биргаликда куйлаймиз".
21.05 «Ёшлар даврасида".
22.05 Кинонигоҳ. «Имконият чўққиси".
24.00-00.05 Хайрли тун!

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 Мультсериал.
9.10 "Три окна".
9.50 "Большое кулинарное путешествие".
10.30-11.00 "Кряк бригада". "SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Болалар спорти".
17.35 "Нокаут".
18.05 "Спорт салтанати".
18.45 Енгил атлетика.
19.45 "Спорт клуб".
20.00 "Вести".
20.20 "Стать ближе".
21.00 Мусиқий дастур.
21.10 "Ўзбекистон ифтиҳори". Эркин Қуттибоев.
21.30 "Хабарлар".
21.45 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
23.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

9.00 – Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор» фойдали газета
9.20 – «Детский час»- мультсериал
9.50 - Фильм детям: **«Старая, старая сказка»**, сказка
11.10 – «Ошиқона» мусиқий дастури
11.55 – **Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса**
12.40 – **«Сматывай удочки»**, комедия
14.30 **- Сериал по выходным - «Против течения»**
15.30 – «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 –«Детский час» - мультсериал
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ «Болалр соати»
17.35 – НТТ – «Ўттан кунлар» бадий фильм
19.00 – «Ошикона» мусиқий дастури
19.45 – «Телехамкор» фойдали газета
20.00 - «Хит-парад - плюс»
21.00 – НТТ **«Девдас» художественный фильм 1 серия (Индия)**
22.30 - НТТ Анонс
22.35 – НТТ **«Девдас» художественный фильм 2 серия.**

5.00 Новости
5.10 Приключенческий фильм «Малыш-каратист - 2»
7.20 Играй, гармонь любимая!
8.00 Слово пастыря
8.10 Здоровье
9.00 Новости
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича
9.50 «Большое кулинарное путешествие»
10.30 Дисней-клуб: «Кряк-бригада»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 История с географией. «Секреты воздушной безопасности»
12.10 Умницы и умники. Финал
13.05 Армен Джигарханян в комедии «Нечаянная радость». 1-я серия
14.50 «КВН-2005». Премьер-лига. Первый четвертьфинал
16.40 Классика Уолта Диснея. Золотые годы Микки Мауса. Впервые в России
17.00 Вечерние новости
17.10 Большая комедия «Большой папа»
18.50 «Кто хочет стать миллионером?» с Максимом Галкиным
20.00 Время
20.20 Дэвид Духовны, Джулианна Мур в комедии «Эволюция» (2001 год)
22.10 «Вне игры». Юмористическая программа
23.10 Том Береннджер в детективе «Сторожевая башня» (2001 год)
1.00 Легкая атлетика. Чемпионат мира. Передача из Финляндии
1.30 Приключенческий фильм «Двойная рокировка - III» (2003 год)
3.50 Сериал «Дефективный детектив»

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:40 «Золотой ключ».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Русское лото».
7:55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8:20 «Жил-был пес». «Сестрица Аленушка и братец Иванушка». «Таежная сказка». Мультфильмы.
8:50 «Субботник».
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «В поисках приключений».
12:15 «Правда о «Курске». Безна».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Людмила Гурченко, Сергей Филиппов, Георгий Вицин, Юрий Никулин и Михаил Пуговкин в комедии «Девушка с гитарой». 1958г.
15:00 Юбилейный вечер Майи Плисецкой из Государственного академического Большого театра.
17:00 ПРЕМЬЕРА. «Наши песни».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
19:55 Лион Измайлов, Михаил Ширвиндт, Юрий Гальцев и многие другие в юбилейном вечере Аркадия Арканова.
21:35 Том Сайзмор и Дэниэл Болдуин в остросюжетном фильме «Папарацци» (США). 2004г.
23:05 Кристофер Ламберт в боевике «Беовульф» (США). 1999г.
0:55 Дольф Лундгрен в триллере «Внезапный удар»
2:35 НОЧНОЙ СЕАНС. Фильм «Белые мальчики» (США - Франция). 1999г.
3:55 Канал «Евроньюс»

ЯКШАНБА 14

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
9.00-9.35 "Ахборот".
9.40 ТВ анонс.
9.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 "Камалак" экрани:
12.10 "Дўстлик" тележурнали: 1."Ҳамкорлик ришталари" 2. "Дидар".
12.40 "Киноафиша".
13.00 "Мари Кюри". Бадиий фильм. 6-қисм.
13.45 "Ҳаёт давом этади".
14.05 ТВ анонс.
14.10 "Шарқ тароналари" фестивали оҳанглари.
14.25 "Жиддий ўйин".
15.05 "Катта". Бадиий фильм.
16.45 ТВ анонс.
16.50 "Меҳр кўзда".
2. "Олтин тож".
18.25 ТВ анонс.
18.30 "Муҳаббат қўшиқлари".
18.40 "MAGGI ®. Олтин ошхона.
19.05 "Портретга чизгилар".
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Яхшилик".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 ТВ анонс.
21.20 "Оталар сўзи- ақлнинг кўзи".
22.20 "Айтишув".
23.05 "Йўлбошчи". Бадиий фильм.
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
8.00 Мафтунингман, диёрим!
8.05 «Ҳуан Мулан". Мультфильм.
9.30, 12.15, 17.35, 19.30 ТВ - анонс.
9.35 Кулгуч.
9.45 "Тошкент фавворалари". Телефильм.
9.55 Саломатлик сирлари.
10.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.05 «Қилни қирқ ёриб". Интеллектуал ўйин.
11.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбек таомлари".
12.20 «Маҳоҳорат". Телесериал.
13.05 «Ниҳол» мукофоти соҳиблари куйлайди.
13.25 Кинотақдим.
13.45 «Қувончли кунлар". Бадиий фильм.
15.20 Чемпион сирлари.
15.40 Ринг қироллари.
16.30 Болалар экрани: «Жонли камалак".
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси Уй вазифаси.
18.05 «Эрамиздан аввалги дунё". Илмий-оммабоп фильм 4-қисм.
18.30 Ҳуш келибсиз!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Сув - ҳаёт манбаи.
19.40 Ёшлик тароналари.
20.00, 20.50 Эълонлар.
20.05 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳоҳорат". Телесериал.
20.55 Оҳанрабо.
21.35 «Сейонара". Бадиий фильм. 2-қисм.
22.40-22.45 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами".
19.10 «Тенгдошлар".
19.40, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Пойтахт плюс".
20.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.50 «Нима учун?"
21.50 "Туризм хақида".
22.20 Кинонигоҳ. «Икки шаҳар қиссаси".



7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 "Соғлом овқатланиш сирлари". Инглиз тилида.
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока все дома".
10.10 "Қувноқ стартлар".
10.50 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.10 Живой мир.
12.20-12.50 Дональд Дак представляет.
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Болалар спорти".
17.35 "Халқ ўйинлари".
17.55 "Проф-РИНГ".
18.40 "В. Вўсоцкий. Смерть поэта".
19.35 "Тайм аут".
20.00 "Вести недели".
21.00 "Ташкент- родина телевидения".
21.30 "Хабарлар".
21.45 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
23.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

9.05 - «Теле-хамкор»
9.20 – **«Детский час»**
9.40 – «Юлдузлар табриги» мусиқий дастури
10.05 – Документальный сериал
11.00 – «Телехамкор» фойдали газета
11.15 – Документальный сериал на узбекском языке
12.00 **- «Алёша Птицын, вырабатывает характер»**, приключения
13.30 - «Хит.парад - плюс» повтор передачи
14.30 **«Против течения» сериал**
15.30 – «Спорт - экстрим»
16.00 – «Детский час», мультсериал
16.45 – «Телехамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ – «Болалар соати»
17.30 – НТТ - Анонсы
17.35 – НТТ – Табиат муъжизаси
18.00 «Гиннес рекордлари»
18.20 – НТТ - «Киноафиша»
18.30 Саньат усталари концерти
19.00 – «Телехамкор».
19.15 – «Ошикона» .
20.00 – «Документальный фильм»
20.20 – «Мусиқий лахзалар»
21.00 – НТТ **«Анаконда 2»** х/ф

5.00 Новости
5.20 Юрий Никулин, Евгений Евстигнеев в фильме «Молодо-зелено»
7.10 Армейский магазин
7.40 Дисней-клуб: «С добрым утром, Микки!»
8.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
9.30 Пока все дома
10.10 Дог-шоу
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Живой мир. «Прогулки с динозаврами»
12.20 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
12.50 Премьера. Надежда Румянцева, Армен Джигарханян в комедии «Нечаянная радость». 2-я серия
14.30 «Пестрая лента». Евгений Леонов
15.30 Робин Уильямс в фильме «Двухсотлетний человек»
17.50 Воскресный «Ералаш»
18.20 Приключенческий фильм «Остаться в живых». Фильм 6-й
20.00 Время
20.20 Супербоевик «День Независимости»
23.00 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Феликс Тринидад - Рональд (Винки) Райт
0.00 Легкая атлетика. Чемпионат мира. Передача из Финляндии
0.30 Суперчеловек. «Недостающее звено»
1.30 Сериал «Секретные материалы» («X-files»)
3.10 Роберт Дауни-младший, Деннис Хоппер в фильме «Специалист по съему»

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:20 «Сельский час».
6:45 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 Дэвид Суше в детективе «Пуаро Агаты Кристи. Считалка» (Великобритания). 1995г.
9:30 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 Василий Шукшин, Лидия Федосеева-Шукшина и Георгий Бурков в фильме «Калина красная». 1974г.
12:15 ПРЕМЬЕРА. «Правда о «Курске». Взрыв».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль N 50». Сатирический тележурнал.
14:10 СОКРОВИЩА ИНДИЙСКОГО КИНО. Мелодрама «Мунна - продавец счастья». 2003г.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 СОКРОВИЩА ИНДИЙСКОГО КИНО. Мелодрама «Мунна - продавец счастья». 2003г. Продолжение.
17:05 «Аншлаг» на Черном море».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 «Специальный корреспондент».
19:50 ПРЕМЬЕРА. Андрей Красько и Алексей Панин в комедии «На белом катере». 2005г.
22:40 Курт Расселл, Уильям Болдуин, Роберт Де Ниро и Дональд Сазерленд в фильме Рона Хауарда «Обратная тяга» (США). 1991г.
1:10 «Горячая десятка».
2:15 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Детектив «Прочная сеть-2» (США).
3:00 Канал «Евроньюс»

ҚИЗИМ БАЙРАМГА КЕЧИКМАДИ...

Ажойиб-ғаройиб

Илгари ҳамшира бўлиб ишлаган қўшнимиз Рихси опа онамга укол қилгани чиққанида мана бу воқеани гапириб берганди:

- Эртага охирги кўнғироқ деган куни қизимга бозордан кўйлак олиб беришга пулни кўзим қиймади. Арзонроғу лекин чиройли, оппоқ гуллари бор матодан тўрт метр олиб келдим. Бозордан сал вақтли қайтдим-да, уни бичиб тикишга бошладим. Ниҳоят, тонги соат 5 ларда кўйлак тайёр бўлди. Қизим Северани уйғотиб кийдириб ҳам кўрдим. Жуда ярашди, ўзи ҳам, кўйлак ҳам жуда чиройли эди. Бечора болам уйқусираб: "Ойижон, мени соат олтида уйғотинг, эртароқ боришим керак!",- деди.

Мен уни уйғотиб кетишимни айтдим. Бироздан сўнг шошилиб юкларимни йиғибману, чиқиб кетаверибман. Қизгинамни уйғотишни ҳам унутибман. Биз мактабдан анча олисда яшардик. Қизим олтида турмаса, кийиниб-тарангунча соат ҳам 9 дан ўтиб кетиши мумкин эди. Отасидан айрилиб, шундоқ ҳам кўнгли ўксиб қолган қизим, бу танганадан кеч қолиб кетса нима бўлади?

Кўзимдаги ёшни артиб бундоқ қарасам... Қабристон ёнидан ўтиб кетаяпмиз.

- Э, Оллоҳим! Ўзинг мадад бер, қизимнинг кўнгли ўксимасин. У вақтида уйғонсину, орзиқиб кутган байрамига кечикмасдан етиб борсин! Ўзингдан бошқа ҳалоскорим йўқ, дея йиғлаб ёлвордим. Шу куни қандай қилиб бозорда ўтирганимни билмадим. Бир аҳволда уйга келдим. Ҳозир йиғлаб-шишиб кетган қизимнинг чеҳрасини кўраман, деб ўйлардим. Аммо...

Киришим билан ҳовлидаги стол устида сувга солиб қўйилган бир талай анвойи гулларга кўзим тушди. Қизим эса кулганича қўлидаги капгири билан ошхонадан чиқиб келди. У югуриб келиб бўйнимга осилди.

- Ойижон! Бугун мактабимизда жуда зўр байрам бўлди. Гулларни кўпини менга беришди. Уйгача зўрға кўтариб келдим, - деди у.

- Севара қизим, ўзинг тура олдингми?- деб сўрадим. У бўлса ҳайратланиб: - Биласизми ойижон! Қулоғимга сизнинг овозингиз эшитилди. Сиз кимгадир:

- Эй, Оллоҳим! Ўзинг мадад бер! Қизим ухлаб қолмасин, - деб гапирибсиз, йиғлаётган эмишсиз... Сакраб турдим. Қарасам соат 15 минути кам олти бўлибди. Қўйлагим ҳам зўр тикилган-да, шундайми? - дея эркаланди қизгинам.

- Чин дилдан қилган ниятим ижобат бўлган экан ўшанда, - деди Рихси хола хўрсиниб.

ҲАМИДА

Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Xatlaringizni kutamiz.



Aygerim JUBAYEVA,
Qoraqalpog'iston respublikasi,Xo'jayli tumani 71-o'rta maktabning 6 "J" sinf o'quvchisi.

YAXSHILIK

Bir kuni Ravshan degan bola maktabdan kelayotib, oyog'i singan kuchukchaga ko'zi tushibdi. Ravshan uni uyiga olib borib, oyog'ini bog'labdi va ovqat beribdi. Oylar o'tibdi kuchukcha ulg'ayibdi. Ravshanning kuchukka mehri tushibdi va it ham Ravshanga sodiq bo'lib qolibdi. Bir kuni Ravshan maktabdan qaytayotsa bir bola uni yo'lini to'sibdi. Ravshan nega yo'limni to'sayapsan?- debdi. U bola esa gapirmay turaveribdi. Ravshan o'tishga urinibdi lekin foydasi bo'lmabdi. U bola Ravshanni sumkasini tortib olib kalaka qqila boshlabdi. Shunda Ravshan u bolani itarib yuboribdi. Bezori bola esa Ravshanni urib erga yiqitibdi. Shu payt qaerdandir kuchugi etib kelibdi. Bezori bolani shimini tishlab yirtib yuboribdi. So'ng oldiga solib rosa quvibdi. Bola zo'rg'a qochib qutulibdi. Ravshan kuchugidan minnatdor bo'libdi.

Bir paytlar Ravshan kuchukka yaxshilik qilib uyiga olib kirgan edi. Endi esa kuchuk Ravshanga yaxshilik qilib unga yordam berdi.

Mahfuza MARDONOVA,
Navoiy shahri, Fayzulla Xo'jaev nomli 17-o'rta maktabning 6 "Yo" sinf o'quvchisi.

«YOSHLIK» krossvordi



1. Fasllar kelinchagi 2. Poklik ramzi 3. Ayyor hayvon 4. Bilim maskani 5. Zaharli hayvon 6. Uy hayvoni 7. To'da 8. Qizlar ismi 9. Podshoh qizi 10. Farzand 11. Sarka 12. Ishlar zo'r 13. Bilimdon 14. Sport turi 15. Ong 16. Odam 17. Chaqaloq 18. Eng yomon baho 19. Uy hayvoni

Zuhra XUDAYBERGANOVA
Xorazm viloyati, Pitnak shahri 1-litsey internati 8 "A" o'quvchisi

ISTAK

Binafsha haqida yozmoq bo'lib she'r,
Qo'lga qalam oldim, cho'mdim xayolga.
Ilhomim amr etib tezroq yozgin der,
Ammo qalbim meni tutdi savolga .

Dedi: She'r yozishdan maqsading nedur,
Nechun hech qo'ymaysan xayol surishni.
Qishda ham bahorni kuylaysan mag'rur,
Kuylaysan yoz fasli marvarid qishni.

—Ha, dedim qalbimga javoban sekin,
Men uchun faslning farqi yo'q zarra.
Gar she'r-la keltirsam bahor nafasin,
O'zimni baxtli deb bilgum bir karra.

MAKTAB

Sensan hayot bulog'i
Najatkorim maktabim.
Orzularim chirog'i
Madadkorim maktabim.

Onamizday sahardan
Bizni qarshilar doim.
Ongimizga har damda
Sochar quyosh chiroyin.

Har kuni bag'ringdamiz
O'qiymiz bilmay tinim.
Gulday yashnab o'g'il-qiz,
Bo'lgaymiz shoir, olim.

Sardorxo'ja G'ANIEV
Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani 248-maktabning 8 "B" sinf o'quvchisi.

НАБИРАЛАРИМГА НАСИҲАТЛАР

(Боши ўтган сонларда)

Ўн бир жойда салом бериш макруҳ маън қилингандирки, жавоби ҳам лозим эмас; **аввал** - ҳожатхонадаги кишига, **иккинчи** номаҳрам хотинларга, **учинчи** - ухлаган кишига, **тўртинчи** - ҳаммомда ювинаётган кишига, **бешинчи** - таом еб турган кишига, агар таом оғзида бўлмаса, салом ва жавоби ҳам лозимдир, **олтинчи** - хутба ўқиётган имомга, **еттинчи** - азон ва такбир айтиб турган муаззинга, **саккизинчи** - намоз ўқиётган кишига, **тўққизинчи**- Қуръон ўқиб тўрган кишига, **ўнинчи**- дуо ўқиб турган кишига, **ўн биринчи**- ҳажда эҳром боғлаган одам "лаббайка" айтиб турганда.

Агар салом бериш одоби нечта, деб сўрасалар, олтита деб айтгил: **биринчидан,** салом берувчи киши пок бўлиши керак. **Иккинчидан,** суворий киши яёв одамга салом бериши лозим. **Учинчидан,** ёши кичик одам ёши улуғроққа салом берсин, озчилик кўпчиликка салом беради. **Тўртинчидан,** салом бераётган одамнинг чеҳраси очиқ ва хурсанд бўлсин. **Бешинчидан,** ишора ёки имо (бошни қимирлатиб, қўлни кўкракка қўйиб) эмас, балки овоз чиқариб "Ассалому алайка" ёки "Салому алайк" десин ва агар жамоат бўлса, "Ассалому алайкум" деб айтсин. **Олтинчидан,** икки киши бир-бирига яқинлашганда, қўл бериб кўришсин, бу одобга киради.

Агар саломга жавоб бериш одоби қайси, деб сўрасалар, бунинг ҳам еттита шарти бор деб, айт: **Биринчидан,** саломга хурсанд бўлиб алик олсин. **Иккинчидан,** салом берганда раҳмат десин. **Учинчидан,** агар ислом маллатига мансуб бўлмаган одам салом берганда ҳам ҳурмат кўрсатиб алик олсин. **Тўртинчидан,** саломга алик олувчи ҳам таҳоратли, пок бўлсин. **Бешинчидан,** кўп одамлар турган бўлса, ораларидан бир киши саломга жавоб қайтарса етарлидир. **Олтинчидан,** саломга ишорат билан эмас, овоз чиқариб алик олиш зарур. **Еттинчидан,** саломга алик олганда, салом берган киши буни эшитиши керак.

Агар саломнинг фазилати нимада, деб сўрасалар, айтгил: тақдим этиш ва зудлик билан жавоб қайтаришдир.

"Ассалому алайкум" деган муқаддас каломни ҳеч қачон қисқартириб ёки бу сўз ўрнида бошқа жумлани қўллаб бўлмайди. Аммо ўзини бошқалардан юқори тутадиган кибрли кишилар "Ассалому алайкум" дейиш ўрнига "салом" ёки алик олаётганларида "ваалайкум" дейиш билан ёки бошини қимирлатиб қўйиш билан кифояланадилар. Бу суҳбатдош кишига нисбатан ҳурматсизлик, менсимаслик бўлади.

Салом - дилларни хушнуд этувчи, кўнгилларни юмшатувчи, душманни дўстга айлантирувчи, қалбларда меҳр уйғотгувчи шундай бир бебаҳо руҳий ва шифобахш маънавий озуқаки, у ҳар бир инсон, дўсту биродар ва ҳамкасблар, оилада эр-хотинлар ўртасидаги оқибат, ўзаро ҳурмат, ишонч, самимият, меҳр-муҳаббат ва иззат-икром каби соф инсоний фазилатларни янада мустаҳкамлайди.

Саломлашиш - тарбия омили эканлигига шубҳа йўқ. Салом -алигингга қараб одамлар сенинг маданиятингга баҳо берадилар. Ёдингизда бўлсинки, кичикларга аввал қўл узатиб, улар билан сизлашиб сўрашинглар, ўз тенгқурларингиз билан эса одоб доирасида самимият билан сўрашинглар, катталар олдида эса ўз ҳурматингизни, иззатингизни сақланглар.

Бу айтганларим салом-алик одобининг дебочаси, азиз болажонларим. Чунки саломлашишнинг ўзига хосликлари ҳам анчагина. Аммо ҳаммасининг маъноси фақат эзгулик, яхшилик, тинч-омонлик, сиҳат-саломатлик тилаш билан боғлиқлиги жиҳатидан умумийлик касб этади. Шундай экан, бир-бирингиздан саломингизни канда қилманглар.

Умримизнинг ҳар бир дақиқасини олтин тарозида ўлчаб, бир-биримизга меҳр улашиб яшаш кераклигини, афсуски, баъзиларимиз кечроқ тушунамиз. Ваҳоланки одам ғанимат, ҳаёт ширин, ўлим эса ҳақ.

Меҳр нима ўзи? Уни қандай тушуниш керак? Шундай хулосага келдим:

- Меҳрни сўз билан ифодалашга уринган ҳар қандай инсон охир-оқибатда ҳеч ҳам унинг аниқ таърифини беролмайди. Сабаби меҳр кўзга кўринмас улкан, сеҳрли қувват манбаидир;
- Меҳр кўзга кўринмас, қўл билан тутиб, тил билан ифодалаб бўлмас бебаҳо мўъжизадирки, ана шу мўъжизадан бебаҳра инсонларгина том маънода бахтсиздирлар;
- Меҳр бизни дунё билан, шу ёруғ ҳаёт билан боғлаб турган кўринмас ришта. Агар ана шу ришта узилса, билингки дунёда яшашнинг қизиғи йўқ;
- Меҳр она сути ва алласи билан инсоннинг вужудига , қонига сингиб кетган бир меҳригиё;
- Она сути —меҳр булоғи бўлса, ота ибрати, меҳр дарёсидир;
- Онанинг алласи, қайноқ сути билан инсон меҳрли бўлиб қолавермайди. Меҳр нигоҳлардан, қалб тубидаги самимий сўзлардан ҳам туғилаверади;

Инсонларни бир-бирига яқинлаштирувчи қудратли куч ҳам меҳрдир. Отадек буюк зотнинг фарзандларига бўлган меҳри эса бир умр қўллаб турувчи дуодир.

- Меҳр офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани каби меҳр ҳам барча ёмонликларни бартараф этади;
- Она меҳри олдида ҳатто қуёш ҳам хижолатда қолар экан;
- Меҳр чексиз, бутун дунёни кўкраги билан боққан аёлни -онани шарафлайлик. Инсондаги бутун гўзаллик қуёш нурларию, она меҳридан;
- Инсон ўзгаларга меҳр-мурувват кўрсатиш учун яралган.
- Меҳр инсоннинг кўзида, қайноқ сўзию, қалб ҳарорати, тафтидадир;
- Меҳрнинг манбаи -ширин сўз, қалб ҳароратидан яралган нигоҳдир;
- Меҳрда сеҳр бор, бу сеҳрни ҳеч қандай куч енголмайди;
- Меҳр оддий, аммо йиллар давомида мисқоллаб йиғилган қудратли кучдир;
- Меҳр инсон боласи учун яшаш эҳтиёжидир;
- Меҳрни дунёнинг устунига ўхшатадилар. У борки ҳаёт бор. У борки, олам чароғон;
- Ёнингдаги кишини ҳис қила билиш, унинг қалбига кириш, кўзларига боқиб, ички оламини -шодлиги, қайғуси, бахтсизлиги, ғам-аламини кўра билиш ҳам меҳрдандир;
- Одамларга меҳр - бу шундай қанотдирки, у билан инсон ҳаммадан ҳам юксакка парвоз қилади;

(Давоми бор)

Мансур АЛИЕВ

БИР ҚОТИЛЛИК ТАРИХИ



Шавкат Тошкентдан уйга қайтар экан, қишлоғини соғинганлигини ҳис этди. Бу йил радио-техника коллежини битиради. Ҳар қалай қишлоқдагиларнинг олдида бемалол бошини баланд кўтариб юрса бўлади. Кўпгина ўртоқлари ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун шаҳарда қолишди. Отасининг фермер хўжалиги бор. Ҳам отасига қарашади, ҳам амалиётини ўтайди. Қарабсизки, уч ойдан сўнг диплом чўнтакда. Балки шаҳарда қолар, балки қишлоққа қайтар... Шавкат хаёлга берилиб, автобус Жиззах автошоҳбекатига келганлигини сезмай қолди. Бу ёғи Зафарободгача бир қадам.

Гулсара опа ўғлини кўриб қувониб кетди. Аммо Шавкат онасининг кўзларидаги қайғу-аламни кўриб, дарди янгиланди.

- Нега хафасиз, яна ўша гапми?

Гулсара опа индамай, рўмолининг учини тишлади. Шавкат ҳам гапни чувалаштирмай қўя қолди. Йўл уни чарчатган, бунинг устига боя отаси айтгандай эрта билан далага чиқиши керак.

Шавкат отасига баҳорги экиш ишларида қарашгани боис қандай кун кеч бўлганлигини билмай қоларди. Ўша машъум куни ҳам Шавкат укаси Улуғбек билан тонг саҳарлаб далага йўл олди. Индинига 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами. Даладан эртароқ қайтса бориб онасига бирор нарса харид қилиши керак. Баҳорнинг илиқ кунида ишлаш ҳам мароқли. Трактор-нинг бир маромда гуриллаши, қарға-ю, зағчаларнинг трактор ортидан учиб-қўниб юришлари, болалигидан ёдига муҳрланган ернинг ҳеч нарсага ўхшамайдиган ўзига хос иси эндигина 17 ёшга тўлган йигитнинг кучига -куч, ғайратига -ғайрат қўшарди.

Кечқурун Шавкат уйга қайтиб келганида, онаси йўқлигини кўриб ажабланди. Онасини бир-икки бор чақирди. Ҳеч ким овоз бермагач, ювиниб чиқди. Юз-қўлини пахмоқ сочиққа артар экан, кўчадан уйга кириб келган онасини кўриб шошиб қолди.

- Нима бўлди, сизни ким хафа қилди?

Гулсара опанинг йиғидан кўзлари қизариб, шишиб кетган, сочлари тўзғиб, кўзининг ости кўкарганди.

- Нима бўлди, нега индамайсиз? Отам урдими?

- Насибанинг ўғли Шавкат урди.

Шавкат ғазабланиб, қўллари мушт бўлиб тугилди. "Нима ҳаққи бор, онасига қўл кўтаришга унинг қандай ҳадди сиғди?" Шавкат кўп ўйлаб ўтирмай ошхонага отилиб кирди-да, пичоқни олиб, кўчага югурганича чиқиб кетди.

- Шавка-а-т, у ёққа борма, у ерда отанг бо-ор...

Гулсара опа бошини чангаллаб, ҳовлининг ўртасига ўтириб қолди. У қалбини 7 йилдан буён ўртаб келаётган аламнинг оғригидан эзилиб йиғлар, юзини ювaётган бу кўз ёшлари неча йилдан буён юрагини кемираётган дардни сиғдира олмай, ташқарига олиб чиқиб ташламоқчи бўларди гўё.

Эри етти йилдан буён қўшниси Насиба билан очиқдан-очиқ дон олишиб юрибди. Кўни-қўшни олдида уятдан бош кўтара олмайди. Ўғиллари ҳам катта бўлиб қолди. Шавкатжонни ҳам бир-икки йилдан кейин уйлантириш керак. Отаси бундай қилиб юрса, уларга ким ҳам қизини берарди. Ўлгур Насибанинг ҳам болалари катта-катта. Ҳеч бўлмаса ўзининг фарзандларидан уялса бўларди...

Гулсара опа ҳовлининг четида турган офтобадан юз-қўлини ювди-да, уйга кирди. Юраги ғаш. Ўғли чиқиб кетгандан буён қалбини қоплаб олган бу ғашлик ҳеч ҳам тарқалмаяпти. Ўзи ўшаникига бормаса бўларди...

Гулсара опа кечки овқатга ўннаб экан, дарвозадан келган овозни эшитиб, ташқарига қаради. Даладан келган трактор ҳайдовчилари экан.

- Янга, хўжайинингиз, ишларингизни битиргач, бизни ерга ўтинглар девди. Шунга келувдик. Соляркани қаердан оламиз?

- Ҳозир уйда йўқ эдилар-а, кўчага чиқиб кетувдилар. Мен ҳозир...

Гулсара опа овқатнинг сувини қуйиб, оловнинг тагини пасайтириб, бошидаги рўмолини тўғирлади-да, ташқарига чиқди. Эри Насибанинг дўконида эканлигини билиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди: "яна ўшанинг олдига борибди-да".

- Хўв, анави дўконга киринг, ўша ерда эканлар, ўзингиз сўрай қолинг. - Гулсара опа тракторчи йигитга Насибанинг ҳовлисининг бир бурчагида қурилган дўконни кўрсатиб, ўзини панага олди. Бироздан сўнг унинг дўкондан қайтиб чиққанини кўрди. Тракторчи муюлишда ғойиб бўлгач, ҳовлига кирди. Дўконча-да турган Насибанинг қизи Гулсара опани кўриб, секингина салом берди. Дарвозахонадан ҳовли томон юрар экан, эри Шомурод ака ҳам шу ерда эканлигини кўриб, жаҳли чиқиб кетди.

- Ҳа, нега бу ерга келдинг? - Шомурод ака хотинининг дабдурустдан кириб келганини кўриб ранги оқарди. - Орқамдан пойлоқчилик қилиб юрибсанми?

- Ўзингиз уялсангиз бўларди, ўғилларингиз кап-катта бўлиб қолди. Манови ...га илакишганингиздан бери уйдан барака кетди.

Насиба ҳам анойилардан эмасми, кундошининг ҳақоратларига жимгина қараб турмади. Ҳовлида кўтарилган бақир-чақирни эшитиб, уйдан чиққан Насибанинг ўғли Шавкат Гулсара опани кўриб, кўзлари олайди. Гулсара опа эса энди унга юзланди:

- Шавкат, бир қишлокданмиз-а, онангни қайтармайсанми, уят эмасми?

- Сиз онам билан ишингиз бўлмасин, аввал ўзингизни билинг...

- Менга нима қибти, онанг ж..... бўлса, мен айбдорманми, йиғиштирволмайсанми онангни, бировни оиласини бузгунича, сани уйлантирсин...

-Ким ж...., оғзингизга қараб гапиринг.

Шавкат унинг бўйнига чанг солди. Гулсара опа юзига келиб тушган муштдан гандираклаб, деворга суяниб қолди. Насиба билан Шавкатга шу пайтгача жанжални кузатиб турган эри ёрдамга келди.

- Йўқол бу ердан, э онангни....

Шомурод ака хотинини бўралаб сўкканча ҳовлидан итариб чиқарди...

Гулсара опанинг хўрлиги келди. Уйининг остонасига ўтириб, қуйилиб келаётган кўз ёшларини тия олмади.

Шавкат қўлидаги ошпичоқ билан кўчадан югуриб кетар экан, рўпарасидан чиқиб қолган қўшнисини кўриб, бироз ҳовуридан тушди.

- Шавкатни кўрмадингизми?

- Қайси Шавкатни?

- Усмоновни, Насиба опанинг ўғлини!

Қўшниси қараганини сезиб, Шавкат "уни сўяман" деб қўшиб қўйди.

- Й-ў-ўқ, кўрмадим.

Шавкат Насиба опанинг ҳовлисига етиб келар экан, дарвозани жон-жаҳди билан ура бошлади. Орадан икки дақиқа вақт ўтар-ўтмас, дарвозанинг эшиги очилиб остонада Шавкат кўринди.

- Ҳа, сенга нима керак?

Шавкат адашининг ёнига яқинлашар экан, бирдан нима бўлганини тушуна олмай қолди. Ер-у осмон чирпирак бўлиб, ерга қуларди.

Шавкат эса даҳшат билан бир қўлидаги қонли пичоққа, бир оёғи остида йиқилиб ётган адашига тикиларди. Шавкатнинг боши чеккасига урилган пичоқ изидан қон аралаш мия қатиғи оқиб чиққан, ярим юмуқ кўзлари хиралаша бошлаганди.

Шавкатнинг қўлидан сирғалган пичоқ қурбонининг ёнига тарақлаб тушгандагина у ўзига келиб, орқасига қарамай қочди. "Энди нима қилади, қаерга боради" миясида ғужғон ўйнаётган фикрлар унга тинчлик бермас, оёқлари ўзига бўйсунмаган ҳолда уни қишлокдан узоқроққа олиб кетар эди. Қишлоқ четидан ўтган зовурни кўриб, ўзини унинг ичига отди. Бироз нафас ростлаб, энди нима қилиши мумкинлигини ўйлади. Уйга қайтиб бора олмайди. Шавкат ўлиб қолган бўлса, уни қамашлари тайин. Шавкат икки соатлар чамаси зовурда ўтиргач, Пахтакор шаҳарчасидаги ўртоғиникига боришга қарор қилди. Ўша ерда тунаб, кейин нима қилишини ўйлаб кўради. Пахтакорга тонгга яқин етиб келган Шавкатни кўрган Баҳром ҳайрон бўлди. Ўртоғининг жуда ҳам чарчаганини кўриб, гап нимадалигини суриштириб ўтирмай, ўзи ётган хонага кўрпача тўшади.

Эртаси куни эса ўғлини қидириб топган ота Усмонов Шавкат вафот этганлигини айтиб, Шавкатни Зафарабод туман ички ишлар бўлимига олиб борди.

Суд Мамаюсупов Шавкатнинг вояга етмаганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, ёшлиги, муқаддам судланмаганлиги ва жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Узоқ йиллар давом этган икки оила ўртасидаги низо ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, навқирон йигитнинг ўлими билан якун топди. Аммо вақтида тўғри йўлни танламаган, бошқа оиланинг тинчлиги-ю, фаровонлигидан кўра ўзининг ҳиссиётларини устун қўйган Н.Усмонова учун фарзанд доғи энг оғир жазо бўлди.

Клара ЯҚУБОВА,
Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

Қилмиш-қидирмиш

"Дипломфуруш"

Инсофли, диёнатли бўлиш, бировларнинг ҳақига кўз олайтирмаслик, тўғрилик — ҳар бир одамнинг турмуш тамойилига айлансагина, биз ота -боболаримиз орзу қилган жамиятни қуришимиз мумкин. Бобоколанимиз ал Фаробий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" номли асарида ана шундай жамиятни тафсифлар экан, аввало ҳар бир фуқаро "нопок ишдан, ҳаром луқмадан тийилишини, ҳукмдор эса адолатпарвар ва инсофли бўлиши"ни айтиб ўтади. Бугун орамизда ҳалол, пок инсонлар кўплаб топилади. Аммо шундай шахслар ҳам борки, барча қинғир ишлари очилгач, аввало кам иқтисодий жиҳатдан қийналганликларини рўкач қиладилар-у, аммо ҳар қандай нопок йўлдан қайтмайдилар.

Светлана ўз иши билан банд бўлар экан, Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи йўлагида у ёқ-бу ёққа юрган йигит унинг диққатини тортди. Йигит жуда ҳам ёш кўринишига қарамай, қарашлари, ўзини тутишлари дадил эди. У бир оз ўйланиб тургач, ичкарига кириди-да, тўғри Аҳмедов Абдужаббор хонаси томон йўналди. Хона эшиги очиқ бўлгани учун Светлана уларнинг суҳбатини бемалол эшитиб ўтирарди.

- Ассалому алайкум.

Йигитчанинг қироат билан берган саломига Аҳмедов алик олиб, "хўш хизмат" дегандек унга тикилди.

- Кечирасиз домла, менга диплом керак эди, - деди дабдурустдан ўспирин.

- Диплом? Шу коллежда ўқиганмисиз?

- Йўқ, умуман ўқимаганман, лекин бунинг йўли бор-ку!

Йигитчанинг сурбетлиги Аҳмедовнинг жаҳлини чиқарди:

- Яхши йигит, ўқимаган бўлсангиз, сизга қандай диплом бераман, ўйлаб гапираяпсизми? Марҳамат, ёзда ҳужжат олиб келиб, имтиҳон топширинг-да ўқишга киринг. Тушундингизми?

Светлана йигитчанинг эшик олдида турганини кўриб, кулимсиради. Ўзини ҳеч нарса билмағандек тутиб, секингина:

- Сизга нима керак? -дея сўради.

- Опажон, шу десангиз...

Йигитча бу опа ҳам қувиб чиқармасмикан, дегандай хавотирланиб, Светланага қўрқа -писа назар ташлади.

-Гапираверинг, сизга бирор ёрдам керакми?

Опанинг овозидаги майинлик йигитчага далда бўлди шекилли, у ўзини таништиришдан бошлади.

- Исмим Ҳамид. Тўғрисини айтсам, ҳеч жойда ўқимаганман, аммо ишга киришим учун диплом керак эди, шунга ёрдам бера олмайсизми?

Светлана Аҳмедовнинг эшитиб қолишидан чўчиб, "Т-с-с" дея қўлини лабига босди-да, туриб эшикни ёпди.

- Ўйлаб кўраман, бир суриштирай-чи... Эртага келолмайсизми?

Ҳамиднинг кўзларида шодлик учқунланганини кўргач, Светлана мулойим жилмайди.

-Келинг, эртага аниғини айтаман.

Кечқурун уйга қайтган Света ҳужжатлари сақланадиган жойни титкилашга тушди. Қидирган нарсасини топгач, енгил тин олди. У коллежга ишга кириш пайтлари ҳужжатлар орасидан ёзилмаган диплом топиб олган, керак бўлиб қолар, деб уйига олиб бориб қўйган эди. Мана кунига асқотди. Эртаси куни Ҳамидга дипломни кўрсатар экан, унинг "менга фарқи йўқ, диплом бўлса бўлди-да", деган сўзлари дилига қувонч бағишлади. Ҳамид билан диплом нархини келишгач, ундан "хамир учидан патир" деганларидек 10 минг сўм пулни олиб қолди-да, дипломни "расмийлаштириш"га киришди. Орадан 3 кун ўтди. Ҳамид дипломни кўриб "маъқул" дегандек бош ирғаб, ўзига тикилиб турган Светланани тинчлантирди:

- Ташқарида машинам бор, юринг пулни у ерда бераман.

Машина ичида Ҳамид Светага қолган 70 минг сўмни санаб берди. Вақт ҳам тушга яқинлашиб қолган. Февраль ойининг илиқ кунлари баҳор яқинлигидан дарак берарди. Шаҳарчани бир айланиб қайтишаётганида уларни тўхтатган милиция ходимлари Светлананинг нопок ишига чек қўйдилар. Далилий ашё сифатида олинган пуллар ва Ҳамид Тўраев номига ёзилган қалбаки диплом туфайли Светлана Колюжная Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди ва икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланиб, ойлик маошининг 20% давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиниши хусусида суднинг ҳукми эълон қилинди.

С.КУРМАНБЕКОВ,
Пахтакор туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Саҳифани Н.ҚОСИМОВА тайёрлади.

Беш кунлик дунё

Оила изҳори

Отамиз ички ишлар тизимида юқори лавозимда ишлар, онамиз биз олти қизни тарбиялаш билан машғул эдилар. Отамизнинг кийимларига гард қўнмасди. Ишдан келганларида ҳаммамиз тикка турар, ухлаганларида эса оёқ учида юрардик. Онамиз раҳматлик отамизни жуда ҳурмат қилар, сояларига кўрпача солардилар. Ўзларининг қўлларидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ эди. Катта бирин-сирин наридан-бери сарполар қилиб узатиб юборди. Менга гал келганида ўзимга ўхшаган қийинчиликларда ўсган ота-онасиз бир етимча йигит рўпара бўлди. Йигитнинг ака-опалари аҳил экан, ўраб-чирмаб, тўй қилиб, ота ҳовлиларини бизга беришди.

Турмуш ўртоғим фарзандлар ичида кенжаси бўлгани учун опа-акалари эркалаб, вояга етказишган экан. Кўнгли тоза, табиати нозик, дид-фаросатли, меҳнатсевар йигит эди.

Аввалига турмушимиз чиройли ўтди. Оллоҳим онамиз ният қилганларидек, бирин-кетин тўртта паҳлавондек ўғилларни берди. Кичкинагина ҳовлимиз жаннатдек гулларга тўла, биз бахтли эдик. Аммо, бу бахтимизга кўз тегди.

Қайнэгачиларим тез-тез хабар олиб туришар, укалари эркароқ бўлгани учун, келишмаса хафа бўларди. Ҳайдовчилиги учун йўлга кетганларида ҳам биздан хабар олиб туришарди. Улар:

- Адолат, Шуҳратнинг кўнгли бўш, қаттиқроқ ушланг, қаёққа кетаяпти, қачон, қай пайт қайтади? Дам-бадам суриштириб туринг, - дея қайта-қайта тайинлашарди.

Мийиғимда кулиб қўйиб, "Опа-де, она йўқ, хавотир оладилар", - деб ўйладим. Отамга ўғил керак бўлган, шунинг учун онамни куйдирган эканлар. Бир эмас тўртта ўғлимиз бўлса, мен эса эримнинг кўнглига қараб, уйда болалар тарбияси билан машғул бўлсам, наҳотки...

Кейинроқ билсам, қайнэгачиларим бежиз хавотир олишмаган экан. Мен ишонган Шуҳрат акам ўзидан ўн беш ёш катта диспетчер аёл билан ўралашиб қолган экан. Йўлга кетаяпман, деб у суюқоёққа икки хоналик уй олиб берган экан. Ўша ерда қолар экан. Умрида бола туғиб кўрмай, фақат ўзи учун яшаган аёл экан.

Бу гапларни эшитиб, қоним қайнади, дунё кўзимга тор кўринди. Онам раҳматликни эсладим. Менинг нима айбим бор, деб роса хунобим ошди. Ўғил фарзандларга жой керак, бирпасда катта бўлиб қолишади. Болалар ёшлигида уй-жой тайёрлайлик, уч-тўрт сўм йиғайлик, деб тиришиб-тирмашиб, ҳаракат қилаётганим ножоизми? Ёки пулни ўзимдан қизғониб, қимматбаҳо кийимлар кийманганим, оддий чит халатда юрганим нотўғримикан? Аммо, ораста, озода, ўзимга қараб юрар эдим-ку! Қаерда хато қилдим? Балким уйим-жойим, болам-чақам деявермасдан ўзимни ҳам яхши кўришим керакдир? Фарзандларим билан, отаси билан биргаликда театр, киноларга, сайлгоҳларга боришим керакдир, пулни аяб, йиғавермасдан? Турмуш ўртоғим деб кўнгли истаган овқатни иккита қозон осишга ҳам эринмай қилсам, тандир сомсани хуш кўради деб, эринмасдан айтганини қилсам... Уйи сариштa, фарзандлари озода, нима керак экан унга?! Бўлди, тамом, тўхтатдим ва шундай дедим:

- Мен шаллақилик қилишни билмайман, сен билан пачакилашиб, уришиш ниятим ҳам йўқ. Аммо эримни сенга бериб қўймайман. Менга эмас, тўртта ўғлига ота керак. Қадамингни ўйлаб бос, яна бир марта эримнинг яқинида кўрсам, ўзингдан кўр...

Шундай дея, қаердан куч топдим, "суф, сенга" дегандек гапини ҳам эшитмай, учинчи қаватга, турмуш ўртоғимнинг олдига чиқдим.

- Шуҳрат ака, нима бўлган бўлса у аёл билан ўрталарингда бўлиб ўтгандир, ақлу-ҳушингизни йиғиштириб олинг. Ҳеч бўлмаса ўзингиз каби ўғилларингиз етимликда ўсишини, бировнинг эшигига совчиликка борганимда, "отаси фалончи" деб биздан ор қилишларини, болаларингиз уйланишга қийналишларини ўйлаб кўринг. Ахир ўзингизнинг бошингиздан ўтган-ку! Сизга нима етишмайди, ўзи? - дея кўзда ёшим билан ўқдай отилиб чиқиб кетдим.

Ёшлик қилдимми, аввало Шуҳрат аканинг ишхонасига бориб, уни ишдан бўшатишга мажбур қилдим. Ўзи эрка, қайсар эмасми, жаҳл билан мана сенга, деб мендан аразлаб, уйда ўтириб олди.

Опалари, акалари уришганида, "иш йўқ, нима қилай?" - дейишдан нарига ўтмайди. Мен Оллоҳдан сабрни ўзимга, инсофни эримга сўраб, туну кун рўзғорнинг ғорини тўлдириш учун елиб-югурдим. Менинг қилмаган ишим қолмади, қўрпа-тўшак қавидим, ўғилларим ёнимда ёрдамчи эди. Улар мендан-да яхши чопон қавишарди. Ҳайитларда тоғора-тоғора пиширикlар пиширдим. Ой нурида буюртма кофталарни тўқиб, битирдим. Ўғилларининг тиришиб-тирмашиб менга қарашаётганини кўриб, Шуҳрат акамга ҳам инсоф кириб қолди. Яна яхши иш топиб, ишга тушиб кетди. Рўзғоримиз аста-секин яхшиланиб, муносабатларимиз ҳам тиклана борди.

Опаларим келиб кўзимга тикилишади, оғзимни пойлашади. Мен бўлсам:

- Тинчмиз, худога шукр, яхшимиз. Ҳа, бир нима эшитдингизми? - дея ўзимни ҳеч нарса бўлмагандек тутардим. Мени ўйлаб, опаларим ҳам сиқилишини истамасдим.

Ўғил болалар тарбияси билан ота шуғулланган маъқул аслида. Ўтиш даври, ўспирин эмасми, катта ўғлим бир куни йиғлаб келди:

- Энди адам келсалар кир-газмаймиз, ўзимиз шундоғам яхши яшаётган эдик. Ҳамма: "Аданг бир кампир билан юради", - деяпти. Керакмас, кетсинлар, ўша кампирларининг олдига. Мен ҳеч қачон юрмайман катта бўлганимда. Кечалари йиғлашингизни билмайди деб ўйлайсизми? Ўша ёқдан келганларини билсангиз ҳам жанжал қилмайсиз, кулиб кутиб оласиз, худди ишдан келганларидай. Гуруринг борми, ўзи, сизнинг?! Керак эмас бизга шунақа ота! Айтинг, кетсинлар, - деб титраб йиғларди болам шўрлик. Мен боламнинг бошини силарканман:

- Болажоним, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Биласан-ку, аданг унақа одам эмас, аслида. У кампир адангнинг бошлиғи! Хоҳласа-хоҳламаса аданг уни машинасида олиб юришига тўғри келади. Сен ўзинг ақлли боласан-ку, сен шундай десанг, укаларинг нима дейди? Иккинчи зинҳор бундай демагин, хўпми, тойчоғим?! Аданг жуда яхши одам, агар аданг шунақа бўлганида мен у билан яшармидим, жоним болам?

Ўзимнинг айтганларимга қани энди ўзим ҳам ишонсам? Кўзимдан оққан ёшларимни тўхтата олмасдим. Қарасам, адаси шу гапларимизни кўзида тўла ёш билан эшитиб турган экан.

- Адол, сени ҳам қийнаб юбордим, бормай дейман-у, қандай бориб қолганимни билмай қоламан. Кулиб кутиб олмасдан, уриш-жанжал қилсангчи, сен ҳам бундоқ хотинларга ўхшаб? Яхшилаб урсанг-чи юрган оёқларимга ҳеч бўлмаса таёқ билан!.. Ич-этимни еб, сиқилиб кетдим-ку?

- Нима фойдаси бор? Кулиб кутиб олиш менга осон деб ўйлайсизми? Ичим йиғлайди, ёнади, сиртим кулгани билан. Ўғлингизнинг гапини эшитдингиз. Оталари ҳақида бўлмағур фикрда бўлишса, эртага сўзингизга ҳам киришмайди, қариганингизда эса: "Ёшлигимизда онамизга, бизга қараган эмас, айшини суриб юрган, бизни хор қилган", - деб сизга ҳам қарамаслиги, боқмаслиги мумкин. Ҳозир куч-қувватингиз бор, сиз куч-қувватдан қолган, қариган чоғингиздаги аҳволингизни ўйлаб кўринг. Мен сизни ҳам, ўшанингизни ҳам Худога солдим. Оллоҳ ўзи билгувчи, ўзи сизларнинг жазоингизни берсин. Эссиз, эссиз сизга берган меҳр-муҳаббатим, қадрига етмадингиз...

Орадан йиллар ўтди, ўғилларим ёнимга кириб қолишди. Каттам амакисидан ошпазлик сирларини ўрганиб, ўқишини тугатиб, катта ошпаз бўлиб кетди. Кейинги ўғлим мен билан бирга бичиб-тикиб, шу касбга қизиқиб, ўқиб катта модельер бўлиб етишди. Учинчи ўғлим доимо: "Оила бизнесингизга иқтисодчи керак", - деб юрарди. У ҳисоб-китобга уста эди. Ўқиб, иқтисодчи бўлиб, катта лавозимларга кўтарилиб кетди.

Кенжатойим отасини жуда яхши кўргани, у билан бирга бўлгани боис техникага қизиқди. Олийгоҳни тугатиб, ўзи шахсий устахона очди. Ўқиш билан биргаликда отасидан машина тузатиш сирларидан бохабар бўлди ва ўрганди.

Оллоҳга шукр, ҳаммасини касб-ҳунарли, уйли-жойли қилдик. Отаси вақтида этагини ёпди, ўғилларининг келажагини ўйлаб, уларнинг тарбияси билан жиддий шуғулланди. Бўш вақтини фарзандлари билан ўтказди. Вақтида дам олишларга, спорт тўгаракларига, мусобақаларига ўзи олиб борди. Аммо бир нарсага амин бўлдимки, Оллоҳ сабрли-бардошли, қаноатли, кечиримли бўлганим учундир, балким фарзандларим камолини Шуҳрат акам билан бирга қўша-қариб кўришликни насиб этди. Оллоҳимга беадад шукрлар бўлсин!

Бироқ, Оллоҳнинг карометини қарангки, охир-оқибат юрган аёллари иссиқ-совуқ билан шуғулланган учун бедаво дардга йўлиқибди. Ўлиб-ўлолмай, қолиб-қололмай, жони узилолмай касалхонанинг жонлантириш бўлимида роса бир ҳафта "дод-вой" қилиб ётибди. "Қилмиш-қидирмиш", деб шуни айтишса керак-да... Аллоҳнинг ўзи жазосини берибди. Онам раҳматлик айтганларидек, бу дунё беш кунлик дунё, синовли дунё экан аслида.

Адолат аянинг айтганларини оққа кўчирувчи Манзура САФАРОВА.

Феълингизни тарашланг

Ёшим 40 да. Кўринишим ёқимли. Ноҳуш одатлардан йироқман. Маълумотим олий. Нуфузли идорада ишлайман. Уй-жойим бор. Ажрашганман. Эримнинг хоҳиллиги туфайли туғилажак фарзандимдан айрилиб қолганман. Аммо Худойимнинг марҳаматидан умидворман. 45-50 ёшлардаги мард, ҳалол эркак билан танишиб, турмуш қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Нодира,
Тошкент.

Болалигимдан "кўзини юмган тош ютар" деган ҳикматга амал қилиб келганман. Турмушга чиққач ҳам бу одатимга хиёнат қилганим йўқ. Аммо... ҳаётнинг синовлари кўп экан. Эрим ичишга берилиб кетди. Оиламиз парокандаликка учради. Ажралишга мажбур бўлдим. Битта ўғилчам бор.

Ёшим 30 да. Боғчада тарбиячиман. Кўринишимдан нолимайман. Асли хоразмликман. Тошкентда доимий рўйхатдаман. Иш жойи тайин, ҳалол, ичмайдиган, эътиқодли инсон бўлса ҳаётимни боғласам дейман.

Манзилим таҳририятда.

Муштарий,
Тошкент.

Ёшим 32 да. Миллатим тожик. Нуфузли Олийгоҳда сиртдан ўқиб, обрўли жойда ишлайман. Бўйим баланд, қиёфам ўзига яраша, нолимайман. Агар ҳар томонлама тўкис қиз бўлса, уйланмоқчиман. Бахтли қилишга ваъда бераман.

Манзилим таҳририятда.

Файзулла,
Бухоро.

Ёшим 28 да. Ажрашганман. Кўринишим кўркам, баланд бўйлиман. Иш жойим тайин. Кўнглимга мос, тарбияли, баъмани, пазанда ва чаққон қиз ёки аёл билан (1-2 ёш катта бўлса ҳам майли) тақдиримни боғламоқчиман. Шундай қиз бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.

Бердижон,
Тошкент.

Кўп йиллар ички ишларда ишладим.

Ёшим 54 да. Ҳозир нафақадаман. Тадбиркорлик қилаяпман. Оиладаги чигалликлар туфайли уй-жойимни оиламга бериб, ўзим алоҳида яшаяпман. Битта фарзандим ҳам уйли-жойли бўлиб кетган.

Ақли-фаросати жойида, ҳаё-иболи, чиройли бўлмаса ҳам ичи гўзал аёл билан турмуш қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Салоҳиддин,
Тошкент.

Ёшим 55 да. Ҳаёт қувончу ташвишлардан иборат экан. Турмушнинг муштига учрадик... Ажрашганман. Ишим, уйим бору, ҳаётимда бўшлиқ. Бир фариштали-сариштали аёл билан умргузаронлик қилиш орзусидаман.

Манзилим таҳририятда.

Аҳмаджон,
Тошкент вилояти.

"Бу дунёда бормикан юрак-бағри бутуни?"- деганлари рост экан. Ҳаётим тўкис бўлмади. Оилам билан ажрашдик. Фарзандим онаси билан. Ўзим ойим билан ҳовлида яшайман. Фирмада ишлайман. **Ёшим 30 да.**

Мени тушунадиган, ўзини тутиб олган, ҳар томонлама ёқимли қиз ёки аёл (боласиз) бўлса уйланмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Дилмурод,
Тошкент.

Ёшимга қараганда анча ёш кўринаман.

Ёшим 35 да. "Йигит кишининг боши икки бўлмай, моли икки бўлмас" деган нақл бор халқимизда. Уйланмаганман. Ичмайман, чекмайман, топиш-тутишим чакки эмас. Шу рўзғорни яхши тутадиган, 25-32 ёшгача бўлган қиз ёки аёл билан бахтимни боғламоқчиман. Қарши ва Тошкент шаҳарларида яшашга ҳам розиман. Мен билан танишмини хоҳлаганлар манзили ва телефон рақамини аниқ ёзишларини сўрайман.

Камол Маллаев,
Қашқадарё вилояти,
Талимаржон шаҳри, Маҳтумқули - 12, кв-11, инд: 731030

Оила бўлимининг айвони гавжум. Ўзбекистоннинг бир буржида кутиб турган бахтини сўроқлаб келаётган мухлисларимизнинг кети узилмайди. Бири - хушрўй, лабларидан табассум аримайдиган жувон бўлса, бири - барваста, келишган, айни ақлга, ғайратга тўлган ўрта ёшли эркак... Уларга қараб ҳайрон бўласан киши: "Битта рўзғорни гуллатадиган" инсонлар. Кўринишларидан бирор нуқсон тополмайсиз. "Иш-жойи тайин", "уйи бор", аммо "ҳаёти кемтик"... Уларнинг кўнглини "ўқишга" уринаман.

- Оиламга ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйган эдим, егани олдида, емагани кетида эди, - дейди таҳририятга келган йигит қўлларини бир-бирига ишқаб.

- Яхши бўлсангиз... Нега хотинингиз сизни тарк этди?

- Ҳа... энди... баъзан жаҳлим чиққанда иссиқ чойнакни "еб қолиб", онасиникига кетворадиган одат чиқарувди. Ахийри "эрнинг тепкисига чидамасанг, нима қилиб юрибсан, хотин бўлиб" деб ҳайдавордим! - қўлидаги чўғланмаган сигаретани эзғилайди у.

- Газета орқали топадиган аёлингиз сизнинг тепкингизга чидайди, деб ўйлаяпсизми? Ё иккинчисига муносабат бошқачароқ бўладими? - йигитнинг "ҳаво"сига наштар санчаман.

- Менинг характерим - шу! Учинчиси бўлсаям - чидаса, яшайди. Бўлмаса, тўрт томони қибла! Ойим айтганларидай: "хотин йўлда!"

- Онангиз ҳам бировнинг хотини бўлганлар шекилли?

- Отамга учинчи хотин бўлиб текканлар. Онам "боевой" бўлган-лари учун ҳам отам уйланишни тўхтатган бўлсалар керак (Худо раҳмат қилгур).

- Ҳа, энди тепкини тепки қайтарадида... Энди мени маъзур тутасиз, ука! Бу ер - синов майдони эмас. Ҳаётдан панд еган аёл, яна "бошқасининг тепкисини ейман" деб, эълон бермайди. Шунинг учун сиз билан хайрлашамиз, - дейман фикримни очиқ баён қилиб.

- Ҳа, майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Қизларнинг ўзи излаб қолар бизни... - йигит эълонга олиб келган суратини ён чўнтагига солиб, хонадан чиқиб кетди...

Шу лаҳза кечагина келиб кетган йигит ёдимга тушди. Унинг афти-ангори бир ҳолатда, уст-бошига анчадан буён дазмол тегмагани кўриниб турарди. Бирикки аёлнинг манзилини берарканман:

- Бироз ўзингизни тартибга солиб, учрашувга чиқинг. Тағин қизлар қочиб кетишмасин, - дедим ҳазилу чин аралаш.

- Очиғи, бундан ҳам хароброқ аҳволда учрашаман қизлар билан. Шу ҳолимда ёқтирса, уйланаман, бўлмаса ўзи билади... - дея хафа бўлгандай бўлди у.

- Ихтиёрингиз... Сизни 45 ёшингизда (яна бу аҳволда) бир кўришда севиб қоладиган қизни топишингиз учун билмадим яна қанча кутаркинсиз...

Мен бу суҳбатларни ҳам эътиборингизга ҳавола этишимдан мақсад - таҳририят аъзолари эълонга келувчиларнинг "инжиқлиги" ёки "эркалиги"нинг маъсулиятини олмайди. Икки томон ҳам "ўз ярми"ни топиши учун ўзи ҳаракат қилмоғи лозим. Керак бўлса, бахт излаган одам феъл-атворини, қиёфасини ҳам "сайқаллаши"га тўғри келади. Буни унутманг!

Санобар.

Ёшим 57 да. Олий маълумотлиман. Нуфузли идораларда ишлаганман. Ажрашганимга 10 йил бўлди. Болаларимни уй-жойли қилай, деб уйланмадим. Энди ҳаммасидан қутилганман. Тадбиркорман.

Вазмин, оқ-қорани таниган аёл билан тинчгина умргузаронлик қилсам дейман. Шундай инсон бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.

Нурилла,
Тошкент.

Ёшим 50да. Тақдирим шундай экан. Аёлим вафот этиб қолди. Бир ўғлим бор, оилали. Мен эса онам билан яшайман. Устига-устак бир оёғим йўқ. Қўлтиқтаёқда юраман. Агар аҳволимни тушунган, тақдиримга мос аёл бўлса, ҳаётимни боғламоқчиман. Балки кемтикни-кемтик тўлдириб, яхши яшаб кетармиз... Ноумид шайтон.

Манзилим таҳририятда.

Шавкат,
Хоразм вилояти.

Болалардан қутилганман. **Ёшим 62 да.** Ҳозир ҳам ишлайман. Хотиним вафот этган. Худонинг иродаси. Аммо ёлғизлик ёмон экан. Бир иймон - эътиқодли, уйим-жойим дейдиган, солиҳа аёл бўлса, умримни охиригача сирдош - ёр бўлсин.

Манзилим таҳририятда.

Жўра,
Тошкент.

Пешонамда бор экан, иккинчи гуруҳ ногиронман. Ревматизм касаллигига чалинганман. **Ёшим 30 да.** Ҳали уйланмадим. Дўхтирлар уйлансанг соғайиб кетасан дейишди. Шу сабабли жуфтимни қидиришни ният қилдим. Ўзим каби жисман камчилиги бўлса-да, қалби соғлом қиз бўлса ҳаётда бир-биримизни тўлдириб яшардик. Оилани тебратишга қурбим етади. Фақат у мени тушуниб яшаса бас.

Манзилим таҳририятда

Илҳом,
Тошкент.

Ҳаёт ҳамиша ҳам ўйлаганингиздек бўлавермас экан. Оллоҳнинг иродаси олдида бандаси ожиздир. Рафиқам оламдан ўтиб, фарзандларимни тўтиқушдек бағримда вояга етказдим. 4 таси уйли-жойли, 2 таси ёнимда. Уларга меҳрибон она, менга ғамхўр дўст, маслакдош бўлгувчи инсофли-диёнатли аёлга муҳтожман. Ёшим 57 да. Нуфузли идорада ишлайман. Кўринишим жойида

Манзилим таҳририятда.

Сабриддин,
Тошкент.

Синглимнинг **ёши 32 да.** Турмушга чиқмаган. Бўйи 163 см. Қадди-басти келишган, попукдайгина қиз. Пазандалик, чеварликда олдига тушадигани йўқ. Ойим билан ҳовлида яшайди. Шу синглимга муносиб 34-38 ёшгача бўлган йигит бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.

Наргиза,
Тошкент.

Ёшим 35 да. Маълумотим олий. Ишлайман. Қонуний ажрашганман, онам билан яшайман. Бўш вақтим уй ишлари, газета ўқиш билан ўтади. Ғийбат қилишни ёқтирмайман, оилам, фарзандларим бўлишини, онам, яқинларим мендан хурсанд бўлиб юришларини ният қиламан.

Бир куни мен кутган бахтли куним албатта келишига ишонаман.

Манзилим таҳририятда.

Салтанат,
Қашқадарё.

Ёшим 24да. Ҳали турмушга чиқмаганман. Бўйимдек кўнгил топмадим. Шу боис балки мен истаган йигит газета орқали хабар берар деган умидда мактуб битдим. Менинг орзуларимни тўғри тушунадиган, камтарин, кенг феъл, ўзини мард деб билган йигитни кутиб қоламан.

Манзилим таҳририятда.

Шамсия.

35 ёшдаман. 12 ёшли ва 6 ёшли қизим бор. Маълумотим ўрта. Ширингина оиламга ажал чангалини солиб, фарзандларим отасиз қолди. Мана олти йилдирки, турмуш аравасини ёлғиз тортиб келаман. Бу эса аёл кишига жуда оғир. Ҳеч бўлмаганда бир кўнгил сўрар, бошингда соябон, суянчиғинг бўлгани яхши экан. Мени тўғри тушунган, 55 ёшгача бўлган, инсофли, тайинли инсон бўлса тақдиримни боғламоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Ҳамида,
Тошкент.

Ёшим 27 да. Тикувчилик фирмасида иш юритувчи бўлиб ишлайман. Ҳали турмушга чиқмаганман. Негаки кўрқаман, чунки ёшлигимда жисмоний эҳтиётсизлигим оқибатида бахтсизликка учраганман. Бу воқеани ҳеч кимга айтолмаганман. Ҳатто онамга ҳам. Мана шунга ҳам 12 йил бўлибди. Бошида келган совчиларга ёшман, ўқийман, дедим. Тегай десам, бу воқеа... тегмай десам ёшим 30 га қараб кетаяпти. Ахир айбим йўқ-ку. Агар мени тушуна оладиган инсон бўлса бахтли бўлиб кетарман...

Манзилим таҳририятда.

Нигора,
Сирдарё вилояти.

Ёшим 44 да. Олий маълумотлиман. Инсон учун энг муҳими оилавий бахт экан. Мен эса турмуш ўртоғимнинг бевафолиги боис шу бахтдан йирокда қолдим. Иккита фарзандим бор. Улар ўз имкониятларига эга. Менинг ҳам севган касбим бор. Лекин бир кўнгил етарим йўқ. Энг аввало дидли, дунёқараши кенг, шароити етарли инсон бўлса балки яна ҳаётимда бахтли онлар бошланар.

Манзилим таҳририятда.

Сарвигул,
Тошкент.

Ёшлик қилдимми, бир эрон қизига уйланган эдим. Орада битта қизимиз ҳам бор эди. Аммо ватан соғинчини мендан ҳам устун қўйиб, ўз юртига кетиб қолди. Қизим ҳам онасидан ажрамади. Шундан бери ёлғизман. Асли хоразмлик бўлсамда, Тошкентда уй-жойим бор. **Ўзим 42 ёшдаман.** Олий маълумотлиман. Ҳозирда фермерлик билан шуғулланаман. Агар оқила, тарбияли, хоразмлик, ёши ўтиб қолган қиз бўлса, уйланмоқчиман.

Манзилим таҳририятда

Оғабек.

Ёшим 37да. Онам бетоблиги, уларга қарайдиган одам бўлмагани сабаб турмушга чиқолмадим. Ўзим боғчада тарбиячиман. Ҳаётда жигарларнинг ўрни бошқа-ю, жуфтингнинг ўрни бошқа экан. Баъзан опаларимнинг ўз оиласи билан бахтлилигини кўриб орзиқиб кетаман. Ахир менинг ҳам ана шундай ёр, она, келажакда буви бўлишга ҳаққим бор-ку. Мен каби ўзини ёлғиз сезаётган инсон бўлса танишишни хоҳлардим.

Манзилим таҳририятда.

Шодигул,
Тошкент.

Ёшим 43да. Хотиним билан ажрашганман. Битта қизим бор, аяси билан туради. Ўзим ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Ҳамма иш қўлимдан келади. Босиқ, жиддий инсонман. Яқинда уй олдим. Ўзим каби ҳаётга жиддий қарайдиган, ростгўй, маданиятли аёлни топсам, оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Баҳодир,
Навоий вилояти,
Зарафшон шаҳри.

Дугонамнинг **ёши 22 да.** Чиройли, одобли, хушмуомала қиз. Ҳар хил фасонларда кўйлаклар, пардалар тикишга уста. Пазандаликда ҳам мақтагулик. Мен унинг ўзига мос йигитга турмушга чиқишини жуда-жуда хоҳлайман. Ўқимишли, камгап, жиддий йигит бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.

Дурдона,
Тошкент.

Саҳифани САНОБАР ва МАТЛУБА тайёрлашди.

ЎТГАН ЙИЛЛАР ЮЗИНГИЗДА СЕЗИЛМАСИН



Ҳар бир аёл ўз ёшлигини иложи борича кўпроқ сақлашни орзу қилади. Агар илгари бунинг иложи йўқ бўлса, ҳозир ёшликни қайтаришнинг юзлаб усуллари бор. Замонавий косметик усуллар билан 40 ёшли аёл 20 ёшли кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин.

Бу ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида Тошкент шаҳридаги "Эстимед" косметик салонининг директори, олий тоифали пластик жарроҳ, Россия пластик жарроҳлар жамиятининг аъзоси Аброр Шерматов билан суҳбатлашдик.

- Чиндан ҳам юз териси парвариши аёлга ҳам, эркакка ҳам тааллуқли. Ҳусн тўйдагина эмас, балки кунда керак. Қуйидаги маслаҳатларимизга амал қилганлар, ёшликларини йиллар ўтгач ҳам сақлаб қола оладилар, - дейди суҳбатдошимиз.

Терингиз ҳамиша тетик, тиниқ ва соғлом кўринишга эга бўлиши учун, қимматбаҳо косметик салонларга бориш шарт эмас. Ёшликдан терини тўғри парвариш қила билиш лозим. Тўғри, кўпчилик пардоз - андоз воситаларидан фойдаланиб кўркам кўриниши мумкин. Аммо, буларнинг ҳаммаси вақтинча эканлигини унутмаслик керак.

ТЕРИНГИЗНИ ЎРГАНИНГ!

Инсон териси уч қават бўлади. Энг чуқур жойлашгани эса гиподерма дейилади. Унинг остида дерма бўлиб, унда майда қон-томирчалардан иборат мушаклар жойлашган. Энг устида эпидермик қават жойлашган бўлиб, у майда шох қатламидан иборат.

20 ёшдан бошлаб терининг биологик қариш жараёни бошланади.30 ёшга борганда эса терининг устки қаватининг янгиланиб бориши 20 ёшдагига қарағанда икки баравар камаяди.

Терининг устида кўплаб ўлик шох моддалари йиғила бошлайди. Бу ўлик тўқималар ҳисобига шох қатлам қаттиқлашади. Терини намлик билан таъминлаб, тарангглаштириб тутиб турувчи коллаген тизими бузилади. У тарангликни йўқотиб, хиралашади, ажинлар пайдо бўлади.

Терининг сувсизланиши 35-40 ёшда янада кўпроқ сезилади. Бу ёшда теридан ёғ ажралиб чиқиши уч марта камаяди.Эластик толалар йўғонлашади, кератин тўқималари ейилади. 45 ёшдан, кейин эса терининг қуруқшай бошлаши кучаяди ва ажинлар кўпайиб улар чуқур излар қолдира бошлайди.

ТЕРИНГИЗ ЁШ БЎЛИШИ УЧУН...

1 Аввало асабларингизни асранг. Ҳамма касалликлар асабийлашишдан келиб чиқади, деб бекорга айтишмаган. Шунингдек, теридаги ўзгаришларга ҳам шу сабаб бўлиши мумкин. Сиз кўрққанингизда, жаҳлингиз чиққанида, тўйиб ухламасангиз ёшингизга нисбатан анча катта кўринишингиз мумкин. Ҳаддан ташқари толиққанингизда эса пешонангизда ажинлар пайдо бўлади

2 Терингизнинг қуруқшаб қолишига йўл қўйманг. Бу вақтда нафақат намлантирувчи кремлардан фойдаланиш, балки, бир кунда камида 2 литр сув ичиш керак бўлади. Тери учун айниқса С дармондорисига бой бўлган наъматак ва мева шарбатлари фойдалидир.

3 Кўпроқ А, Р дармондорисига бой мевалардан енг. А дармондорисси теридаги намликни сақлаб таранг қилади. Р дармондорисси эса тери тўқималарининг нафас олишини таъминлайди. Бунинг учун кўпроқ мол гўшти, буйрак, ундирилган буғдой ейишингиз керак.

4 Терингизни қуёшдан сақланг. Замонавий тиббиётда терининг кўпроқ тик тушган қуёш нури таъсирида ўзгариши аниқланган.

5 Сигарет чекманг. Акс ҳолда терининг касал кўриниб, қуруқлашади ва эртароқ ажинлар тушади.

ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Терини парвариш қилишдан эринманг. Бу кейинчалик ўзининг натижасини беради. Шунингдек, тўғри овқатланиш юз ва терини тўғри парваришлаш, турли ниқоблар қўйишнинг фойдаси катта. Шуни унутмангки, энг катта хато юзни косметик воситалар билан нотўғри парваришлашдир. Масалан, ёғли юзни қуруқ терига мос воситалар билан қуруқ терини эса ёғли терига мос воситалар билан парваришлаш зарардан бошқа нарса эмас. Ҳар бир аёл аввало юзининг териси қандайлигини билиб олиб, шунга қараб парваришлаши зарур.

- Агар ёшингиз 20 да бўлса - юз териси қаришининг илк белгилари бошланади. Бунинг олдини олиш учун юзингизни ҳар куни икки маҳал ювиб, тозаланг, махсус воситалар билан намланг. С дармондорисси бор кремлардан фойдаланинг. У терини эрта қаришининг олдини олади. **Ҳафтада бир марта намлантирувчи ниқоблар қилинг.**

- Агар ёшингиз 30 да бўлса , юз терингизни тозалаш учун таркибида спирти бўлмаган воситадан фойдаланинг. Чунки терининг эпидермик қавати қалинлашган пайтда бу муҳимдир. Терини озиқлантириш учун мевали ниқоблар катта фойда беради.

- Ёшингиз 40 дан ошган бўлса, бу даврдаги терининг кўриниши сиз 20 ёшингизда қилган парваришингизга боғлиқ бўлади. Бу даврда албатта косметолог хизматидан тез-тез фойдаланишингиз керак. Мутахассис терингизга қандай парвариш зарурлигини аниқлаб беради. Юзингизни албатта уқалатинг. Бу теридаги қон айланишини яхшилайди. Айниқса **кўзингиз атрофидаги терига парваришни кучайтиринг.**

КРЕМЛАРНИНГ РОЛИ

Ўз латофатингиз ва гўзаллигингизни сақлаб қолиш учун албатта кремлардан фойдаланишингиз керак. Чунки, улар терига сингиб, уларни зарур дармондорилар билан таъминлайди. Озиқлантиради, намлигини оширади. Ажинларни текислаб ёшартиради ҳам. Кремларни терингизга мосидан танланг ва тез-тез ўзгартириб туринг. Акс ҳолда тери бу кремга ўрганиб қолади. Ҳар бир кремни узоғи билан бир ой фойдаланинг. Кейинчалик эса унинг таъсири унча сезилмай қолади.

Бу борада сизга маслаҳат ва кўмак зарур бўлса, «Эстимед» салони — Аброр Шерматовга қўнғироқ қилинг — 76 28 97

СУЛИ ГЎЗАЛ ҚИЛАДИ

Табиий косметик воситалар сифатида сули ёрмаси ва уни кўп ишлатилади. Сули (Овёс. Дорихоналарда - геркулес) терини турли тиқилмалардан тозалаб, ич-ичигача кириб бориш хусусиятига эгадир. Унинг таркибидаги фойдали моддалар терининг ўлик шох қаватини тозадаб, юмшатади. Янги терини силлиқ, таранг ва бахмалдек майин қилади.

Сулидан тайёрланган косметик воситалар қимматбаҳо хориж воситаларидан кўра терига дарҳол таъсир қилади.

Бунинг устига сули ёрмаси ва унини ҳар бир аёл истаган дўконидан топа олиши мумкин.

Қуйидаги ниқоблардан истаганингизни танлаб фойдаланишингиз мумкин.

ГОЛЛИВУДЧА НИҚОБ

Ёғлиқ тери учун 2 ош қошиқ сули унини бир дона тухум оқи билан аралаштирилиб, кўпиртирилади. Тайёр бўлган аралашма юзга сурилгач, 10 минутдан кейин ювилади. Ушбу ниқоб терини мустаҳкамлаб уни ипакдек майин қилади.

ОЗИҚЛАНТИРУВЧИ НИҚОБ

Қуруқ тери учун 2 ош қошиқ асал, 1 ош қошиқ қуюқ чой ва 2 ош қошиқ сули ёрмаси ва О,5 қошиқ ўсимлик мойи қўшилган аралашма тайёрланади. Юзга сурилгач, 15 минутдан кейин уй ҳароратидаги сув билан ювиб ташланади.

ПАРДОЗГА ТАЙЁРЛАШ

Икки ош қошиқ қирғичдан чиқарилган олма ёки бодринг устига ярим пиёла сут қуйилиб, буғда 15 минут тутиб турилади. Бўтқа ҳолига келган аралашмага икки ош қошиқ сули ёрмаси қўшилиб, қаймоқдек қуюқ ҳолга келгунча аралаштирилади. Сўнг юзга сурилиб 15 минутдан кейин совуқ сувда ювиб ташланади.

ХУСНБУЗАРНИ ЙЎҚОТИШ УЧУН

Бир дона тухум оқи, 1 чой қошиқ асал, сут ва лимон шарбатига икки ош қошиқ сули ёрмаси қўшиб, ниқоб тайёрланади. Бу ниқоб юзга сурилгач, 20 минутдан сўнг ювилиши керак.

ТЕРИ ҚУРУҚ БЎЛСА

Икки ош қошиқ сули ёрмаси устига 1/2 стакан қайноқ сут қуйилади. Тайёр бўлган аралашма совуганидан кейин пахта билан юзга аста-аста босилади, артиш мумкин эмас. Ниқоб юзда 20 минут тургандан кейин ювилади.

Саҳифани Саида ва Ҳамида тайёрлашди.

Дилдан суҳбат

"ЮРАГИ БОР ОДАМГИНА..."

Нодир Жонузоқ Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган. Отаси Жонузоқ ака - савдо ходими. Онаси Олтиной ая - уй бекаси. Олти фарзандининг тўнғичи бўлган қаҳрамонимизни оила аъзолари журналист бўлади, деб ҳечам ўйлашмаган эди. Аммо тақдир унинг қўлига аввало қалам, кейин эса микрофон тутди. Қисқа фурсат ичида у ўз кўрсатувлари билан томошабинлар эътиборини жалб қила олди. Айниқса, унинг "Гап чиқди" кўрсатуви анча-мунча баҳсларга сабаб бўлди. Яқинда эса Нодир Жонузоқнинг янги - "Йиллар армони" кўрсатуви ҳам эфирга узатилди. Мазкур кўрсатувнинг биринчи сонидан сўнг бу ижодкор билан дилдан суҳбат қилишни ният қилдик.

- Журналистика соҳасини танлашингизга нима сабаб бўлган?

- Мен бошида "журналист бўламан", деб ўйламаганман. Орзум шоир бўлиш эди. Айни 11-синфни битираётган паллам Худо мени таниқли адабиётшунос олим, профессор Нуриддин Шукуровга йўлиқтирди. Бу меҳридарё инсоннинг тавсияси билан СамДУнинг филология факультетига ҳужжат топширдим ва ўқишга кирдим. Кейинчалик ҳам ўзимча шеърлар ёзиб юрдим. Университет қошидаги "Шалола" шеърият тўгараги сардори эдим. Ўсмирлик ҳавоси билан ўзимизни катта шоир ҳисобладик. Аммо ўшандаёқ ўзимиз билиб-билмай журналистикага аралашиб қолган эканмиз.

- Телевидениеда биринчи кўрсатувингизни эслай оласизми?

- Бўлмасам-чи? Биринчи кўрсатув ҳам тележурналист учун биринчи муҳаббатга ўхшайди. Уни унутиб бўларканми?!

"Ёнимиздаги одам", яъни, ҳар куни ёнимизда юрган одамларнинг номаълум қирраларини ёритиб берувчи телеочерк. Биринчи кўрсатувимни устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов ҳақида тайёрлаганман. Ноанъанавийроқ саволларим, янгича ёндошувим бўлган шекилли, раҳбарларимизга маъқул келибди - ҳафталик йиғилишда илиқ сўзлар эшитдим. Ўша кунги қувончимни ҳали-ҳануз унутмайман...

- Телевидениедаги устозларингиз ҳақида гапириб ўтсангиз...

- Мен ёнимдаги жуда кўп одамдан иш ўргандим. Лекин ТВда суянгим асосан "Маънавият" студияси бош муҳаррири Назар Эшонқулнинг қўлида қотди. Бу ижодкордан жуда кўп нарса олдим. Эътироф этишим керак, агар озгина бўлса-да муваффақиятга эришган бўлсам, уларнинг пойдевори ана шу инсонга бориб тақалади. Иш жараёнида Назар ака ҳамиша ортимдаги тоғдай менга суянчиқ бўлиб туради. Ҳар бир сўзим, хатти-ҳаракатим у кишининг нигоҳидан четда эмас. То эфиргача бўлган жараёнда менинг энг яқин ва ишончли маслаҳатчим шу инсон...

- Ҳамкасбларингиздан кимларни тан оласиз?

- Мендан олдин ТВда иш бошлаган ва экранга чиқиб, элга манзур бўладиган икки оғиз сўз айта олган ҳар бир ҳамкасбимни тан оламан. Уларнинг номини санайдиган бўлсам, барибир кимдир саноқдан қолиб кетади. Ҳозир есимга келганлари - "Меҳр кўзда" кўрсатуви муаллифи Асрор Аброрхўжаев, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, "Давр-интервью" бошловчиси Юлдуз Очилова, "Оддий ҳақиқатлар" токшоуси муаллифи Гулмира Мусажонова... Умуман олганда, ҳамкасблардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Уларнинг ютуқларини кўриб, шундай бўлишга интиласан - камчиликларини таҳлил қилиб, такрорламасликка ҳаракат қиласан..

- "Гап чиқди" кўрсатуви тугатилибди, деб эшитиб қолдик. Шу гап ростми?

- Нима десам экан? "Рост" дейишга ўзимнинг ҳам тилим бормаяпти. Нега десангиз, яхшими-ёмонми, бу кўрсатув менга қадрдон бўлиб қолган экан. Чунки шу кўрсатув мени элга танитди, иш жараёнида кўплаб яхши одамлар билан танишдим, янги қирраларим очилди... Аммо, тан олиш керак, худди одамга ўхшаб ҳар бир кўрсатувнинг ҳам ўз умри бўлади. Тетапоя даври, камолот чўққиси ва аста-секин тушиши жараёни... Назаримда, "Гап чиқди"нинг катта шов-шувларга сабаб бўлган, баҳс-мунозаралар марказига айланган даври ўтди. Негаки, ҳар қандай янгилик бориб-бориб эскиради. Шунинг учун, менимча, жуда эътибордан қолмай туриб, тўхтатган маъқул, деб ўйладим. Тўғри, бундай йўналишдаги кўрсатувнинг ҳамиша томошабини топилади, бироқ биринчи томошабин сифатида ўзимни қониқтирмай қўйди.

Иккинчидан, ижодкор бир мавзуга ўралашиб қолса, ўтмаслашиб қолади. Назаримда, одам вақти-вақти билан ўзининг янги-янги қирраларини кашф қилиши лозим. Шу кунларда, очиғи мутлақо бошқа йўналишдаги кўрсатувлар қилгим келаяпти. Қолаверса, умримнинг энг навқирон лаҳзаларини фақат маиший муаммолар гирдобида ўтказиб юборишим ҳам тўғри эмасдир... Бироқ, ҳозир "Гап чиқди" кўрсатуви эфирга узатилмаётган бўлса-да, ҳалигача узоқ-яқиндан йўқлаб келаётган одамларнинг дардини эшитяпман, қўлимдан келса, ёрдам бераяпман.

- Янги кўрсатув бошлабсиз, номи нима учун "Йиллар армони"?

- Одам борки, орзу билан яшайди. Орзуси бор одамнинг эса, истаймизми-йўқми, армони ҳам бўлади. Бекорга "бир кам дунё" дейишмайди-да. Ҳатто "мен дунёдаги энг бахтли одамман, ҳамма орзуларим ушалган" дегувчи одамнинг ҳам юраги тубида бошқалардан сир сақлаган оғриқли нуқтаси бўлади. Инсон бошқалар даврасида бундан кўз юмар, бироқ ўзи билан ўзи қолганда бу кемтикликни қандай тўлдиришни ўйлаб изтироб чекади. Қачонки, унинг кўнглига йўл ахтариб, нозик ҳиссиётларини тушунишга ҳаракат қилсангиз ва кучингиз етса, унинг армонини рўёбга чиқаришда ёрдам берсангиз, ҳеч бўлмаганда, уни эшита олсангиз, у оғир юкдан қутулгандай бўлади.

Шу ўринда яна бир гап: кимнингки армони бўлса, демак, у яхши одам. Негаки, ёмон одам ўзининг ва ёнидагиларнинг изтиробларини, оғриқларини ҳис қилмайди, тез унутади. Фақат юраги бор одамгина орзу қилади, пушаймон бўлади, армон нималигин англайди. Шунинг учун бундай кишиларга дилдош бўлишимиз керак.

- Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз ҳақида ҳам билмоқчи эдик...

- Турмуш ўртоғим журналистика факультетини битирган. Аммо ишламаяпти. Кўрсатувларим бўйича ўз фикрларини айтиб туради. Айни пайтда фарзандларимиз тарбияси билан банд. Ўғлимнинг исми - Санжар, бу йил тўртга кирди. Қизим Марварид эса икки ёшда...

- Бир кун келиб, фарзандларингиз ҳам "журналист бўламан", деса, бу соҳанинг машаққатини "татиган" одам сифатида қарши бўлсангиз керак?

- Йўқ, агар фарзандимдан яхши журналист чиқишига кўзим етса, шу соҳага нисбатан кучли иштиёқини сезсам, қарши бўлмайман. Лекин, иложсизликдан, қайси касбнинг бошини тутишни билмасдан, "ҳа, энди ота касбни танлай қолай", деса, бу маъқул эмас. Менимча, инсон қайси касбни танламасин, шу соҳага нисбатан муҳаббати бўлиши, касбдошлари орасида кўзга ташланиб туриши лозим.

- Суҳбат сўнггидаги сўзларингиз?

- Назаримда, ҳар бир одам ички дунёсини тартибли, саранжом-саришта сақлаши керак. Агар ботинингизда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб ётса, ташқи ҳаётингиз ҳам ана шундай бесаранжом, нурсиз бўлади. Шунинг учун инсон энг аввало ўзининг бу дунёдаги ўрнини аниқлаб олиши ва шунга қараб яшаши лозим.

Фарҳод Мумтоз ўғли ва Алибек Алишер ўғли суҳбатлашишди.

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

БАХТ НИМАДУР?

Бу дунёнинг ками тўлмас,
Бахт, дегани кемтилган.
Кутганингда омад кулмас,
Қувонч келса, дил куйган.

Гоҳ олтин-зар умр бўйи,
Қидирганинг- топганинг.
Гоҳ бўғади бойлик юки,
Бахт- ушоқ нон тотганинг.

Гоҳ севгининг аршида сен,
Бахтлилардан бахтлироқ.
Гоҳи висол улашар мунг,
Билсанг, бахт- ширин алдоқ.

Гоҳ кам- кўстинг тўлгандайин
Шод боқасан, хотиржам.
Ярим бахт ҳам бўлар қувгин
Дўстинг сени сотган дам.

Уринмагил ҳарчанд, бироқ,
Қами тўлмас дунёнинг.
Эй, Санобар, умид-чироқ,
Шу бахтдан айирмасин.

ҲОЛАТ

Битта жоним сиғмас менинг
Еру кўкнинг аросида.
Яшаяпман қоқилганча
Юрак дардин яросида.

Суратингни йўқотганман,
Хаёлимда муаллақ ишқ
Рўзу борим муҳрланган
Кўзларимнинг қаросида ...

ЭРКАКЛАРГА

Аёлнинг кўзидан нури кетмасин,
Шиддат тарк этмасин юракларини.
Ҳалимдек кўнглига озор етмасин,
Билдиринг, сиз учун тирғакларини.

Меҳр эшигини очинг уларга,
Бағрингиз гул-райҳон исига тўлар.
Вақт топинг, бир оғиз ҳолин сўрарга,
Кўрарсиз, қадамда бахтингиз кулар.

Аёл дуосини қўллаган Оллоҳ,
Жаннатлар бахш этмиш унинг пойига.
Қаҳмингиз Шерозий байтлари гувоҳ,
Дунёлар не бўпти битта ҳолига.

Аёл ризосини олинг, Сиз илло,
Неки ишқ талабсиз, неки жон талаб.
Яхшиликка бўлса, алҳамдулиллоҳ,
Аёл жонини ҳам берар ниҳталаб.

Аё, унутманг бир шарқ ҳикматини,
Аёл нафратидан паноҳ йўқ, паноҳ.
Топмаса эркакнинг адолатини,
Аямас айбдорин ҳаттоки Оллоҳ...

Санобар ФАХРИДДИНОВА.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 737. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАХРИДДИНОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5